

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
**УДК: 336.761 (575.1)**

**ЮСУПОВ ШОҲЖАҲОН БАҲОДИР ЎҒЛИНИНГ**

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори,  
профессор А.У. Бурхонов**

**Тошкент – 2022**

## **МУНДАРИЖА:**

	<b>КИРИШ.....</b>
<b>I-БОБ.</b>	<b>АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</b>
1.1.	Акциядорлик жамияти молиявий хавфсизлиги тушунчасига нисбатан илмий-назарий ёндашувлар.....
1.2.	Акциядорлик жамияти молиявий хавфсизлигига таъсир қилувчи омиллар классификация.....
1.3.	Акциядорлик жамияти молиявий хавфсизлигини баҳолашнинг кўрсаткичлар тизими..... <b>Биринчи боб бўйича илмий хуносалар.....</b>
<b>II-БОБ.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ.....</b>
2.1.	Ўзбекистон акциядорлик жамиятларини молиявий ҳолати таҳлили.....
2.2.	Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари молиявий хавфсизлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш.....
2.3.	Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг эконометрик таҳлили имкониятлари..... <b>Иккинчи боб бўйича илмий хуносалар.....</b>
<b>III-БОБ.</b>	<b>АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ.....</b>
3.1.	Акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлиги таъминлаш усуллари.....
3.2.	Акциядорлик жамиятининг молиявий хавфсизлигини таъминлашда назорат тизимини шаклантириш..... <b>Учинчи боб бўйича илмий хуносалар.....</b>
	<b>ХУНОСА.....</b>
	<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>
	<b>ИЛОВАЛАР.....</b>

**Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги.** Глобаллашув шароитида акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳолатини баҳолашда молиявий хавфсизлик индикаторларни муҳим рўл ўйнайди. Сабаби, жаҳон миқиёсида капитал бозор орқали инвестиция ҳажмини ортиши натижасида акциядорлик жамиятларидағи молиявий оқимларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланишини таъминланмоқда. Бу эса, ўз навбатида акциядорлик жамиятларини моливий ҳолатини баҳолаш билан боғлиқ индикаторларни тизимини ва моливий таъминлаш бутунги куннинг долзар масаласи бўлиб келмоқда. Хусусан, Жумладан, акциядорлик жамиятларини молиявий хавфсизликни баҳолашнинг индикатор усуслари бир қатор молиявий кўрсаткичларни, хусусан, ликвидилик коэффициенти, жорий ликвидилик коэффициенти, молиявий левераж коэффициенти, ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти, ўз капитали рентабеллиги коэффициенти (ROE), молиявий мустақиллик коэффициенти, дивиденди даромад коэффициенти, дивиденди тўлаш қобилияти коэффициенти, Р/Е коэффициенти ва Р/В коэффициентлар каби усулидан фойдаланиш зарурлигини намоён этади.

Жаҳоннинг йирик компанияларининг хавфсизлиги ҳолатини индикаторлар тизими орқали баҳолашда, ликвидилик коэффициенти, жорий ликвидилик коэффициенти, молиявий левераж коэффициенти, ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти, ўз капитали рентабеллиги коэффициенти (ROE), молиявий мустақиллик коэффициенти, дивиденди даромад коэффициенти, дивиденди тўлаш қобилияти коэффициенти, Р/Е коэффициенти ва Р/В коэффициентлар орқали баҳолашни амалга ошириш мақсадга мувоғиқ хисобланади. Шунингдек, мазкур коэффициентлар орқали корхонанинг моливий хавфсизлигини ҳолати баҳолашда молиявий ҳолат билан боғлиқ ташқи ва ички рискларни даражасини ҳамда қай даражаса

эканлиги ҳисоблаш бу борадаги илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлигини таъминлаш масалалари, жумладан, «Акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлигини таъминлаш эса, мамлакатимиз капитал бозорини жадал ривожланишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади»<sup>1</sup>га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур вазифаларнинг изчил ва самарали бажарилиши мамлакатда капитал бозорини ривожлантириш, унинг иқтисодиётдаги улушкини ҳамда инвестицияларни жалб этишдаги салмоғини сезиларли даражада ошириш, шунингдек акциядорлик молиявий хавфсизлигини таъминлаш, молиявий хавфсизлигини индикаторлари ва мезонларни меъёрини аниқлашнинг замонавий усусларидан фойдаланиш учун ҳар томонлама имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида», 2021 йил

13 апрелдаги ПФ-6207-сон «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4381-сон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»даги фармони ПФ-6207-сон, 2021 йил 13 апрель.

«Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлигини таъминлаш масалаларининг илмий-назарий, услугбий ва амалий муаммолари Аманда С.М., Ахмад С., де Гоеде, Сантяго Морал-Гарсия, Зенг В ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларида ўзига хос тарзда тадқиқ этилган ҳамда акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ мавжуд муаммолар ёритилган тадқиқ этилган<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup> Amadae, S.M. (2017) Perpetual anarchy: From economic security to financial insecurity. *Finance and Society*, 3(2): 188-96.; Amicelle, A. (2017) When finance met security: Back to the War on Drugs and the problem of dirty money. *Finance and Society*, 3(2): 106-23. Amoore, L. (2011) Data derivatives: On the emergence of a security risk calculus for our times. *Theory, Culture & Society*, 28(6): 24-43.; Ahmad S., Ng Ch., McManusc L. Enterprise risk management (ERM) implementation: Some empirical evidence from large Australian companies. *Procedia - Social and Behavioral Sciences* 164 ( 2014 ) 541 – 547; Arrieta-Paredes M., Hallsworth A., Coca-Stefaniak J. Small shop survival – The financial response to a global financial crisis. *Journal of Retailing and Consumer Services* 53 (2020) 101984. pp.; de Goede, M. (2010) Financial security. In: Burgess, J.P. (ed.) *The Routledge Handbook of New Security Studies*. London: Routledge, 100-109.; Der Derian, J. (1995) The value of security: Hobbes, Marx, Nietzsche and Baudrillard. In: Lipschutz, R. (ed.) *On Security*. New York, NY: Columbia University Press, 24-45.; Langley, P. (2013) Toxic assets, turbulence and biopolitical security: Governing the crisis of global financial circulation. *Security Dialogue*, 44(2): 111-26.; Langley, P. (2017) Finance/security/life. *Finance and Society*, 3(2): 173-79; Santiago Moral-García, Santiago Moral-Rubio, Eduardo B. Fernández, Eduardo Fernández-Medina, Enterprise Security Pattern: A Model-Driven Architecture Instance, Computer Standards & Interfaces (2013), doi: 10.1016/j.csi.2013.12.009; Delas V., Nosova E., Yafinovych O. Financial Security of Enterprises. *Procedia Economics and Finance* 27 ( 2015 ) 248 – 266; Yu-Lun Chen, et al., The value of implementing enterprise risk management: Evidence from Taiwan’s financial industry. *North American Journal of Economics and Finance*, <https://doi.org/10.1016/j.najef.2019.02.004>; Yang B. Construction of logistics financial security risk ontology model based on risk association and machine learning; Yildirim E., Akalp G., Aytac S., Bayram N. Factors influencing information security management in small- and medium-sized enterprises: A case study from Turkey. *International Journal of Information Management* 31 (2011) 360–365; Zeng W., Koutny M. Modelling and analysis of corporate efficiency and productivity loss associated with enterprise information security technologies. *Journal of Information Security and Applications* 49 (2019) ; Zhang

Акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлигини таъминлаш масалаларининг назарий, услугбий ва амалий жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар, А.Бурханов, Х.Абулқосимов, Пардаев М.К., Каримов Н. Ф., Хамирова Ф., Ортиқова Д, Д.И.Истамов, М.М.Мухаммедов, Э.Н.Ходжаев А.Э.Ишмухаммедов Д.К.Нарзуллаева А.Е.Пармонов, А.И.Игамбердиев, Ф.Дадаев, М.Қодиров ва бошқалар томонидан ҳам ўзига хос тарзда амалга оширилган<sup>3</sup>.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур илмий иш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ф-1-68 “Трансакциялар ва трансакция харажатларини бошқаришнинг илмий-методологик асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги (2012-2016 йй.) фундаментал ва ИТД-2-20 “Корхона қийматини бошқариш методологиясини такомиллаштириш ва уни рейтинг баҳолашнинг миллий тизимини ишлаб чиқиш” мавзусидаги (2012-2014 йй.) амалий лойиҳалар доирасида бажарилган..

**Тадқиқотнинг мақсади** Акциядорлик жамиятлари молиявий хавфсизлигини таъминлаш йўллари бўйича илмий-услубий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

---

W., Jiang H. Application of Copula function in financial risk analysis. Computers and Electrical Engineering 77 (2019) 376–388.

<sup>3</sup>Бурханов А.У. Молиявий хавфсизлик. Ўкув кўлланма.Иқтисодиёт. 2019, 164 б.; Абулқосимов Х.П. Иқтисодий хавфсизлик. Т.: Академия, 2006, 111 – б.; Пардаев М.К., Аминов З.Ю. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари. Рисола. Самарканд: Зарафшон, 2008.- 47 бет.; Каримов Н. Ф., Хамирова Ф. Иқтисодий хавфсизлик: иқтисодий моҳияти ва мустаҳкамлаш омиллари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” илмий-электрон. № 3, 2019 йил, 214-223 б.; Ortiqova D. “Iqtisodiy xavfsizlik” (O‘quv qo‘llanma). –Т.: TDIU, 2010. 150 бет.; Истамов Д.И., Ю.А.Гранаткин, М.М.Мухаммедов, Э.Н.Ходжаев. Экономическая безопасность предприятия и защита коммерческой тайны. Самарканд. 1995.- 152 бет.; Ишмухаммедов А.Э. Иқтисодий хавфсизлик. Ўкув кўлланма. – Т.: ТДИУ , 2004. – 176 б.; Нарзуллаева Д.К. Учебно-методический комплекс по дисциплине «Безопасность в индустрии – сервиса». – Т.: ТГЭУ.- 434 с.; Пармонв А.Е., Игамбердиев А., Дадаев Ф, Қодиров М. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. (Лотин алифбосида) Т.: Иқтисод-молия, 2007.-196 б.

Акциядорлик жамияти молиявий хавфсизлиги тушунчасига нисбатан илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш;

Акциядорлик жамияти молиявий хавфсизлигига таъсир қилувчи омиллар классификациясини аниқлаш;

Акциядорлик жамияти молиявий хавфсизлигини баҳолашнинг кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари молиявий хавфсизлигини баҳолаш йўлларини тадқиқ қилиш;

Акциядорлик жамиятлари молиявий хавфсизлигини таъминлаш тизимини шакллантириш индикторлари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

**Тадқиқотнинг обьекти** Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари молиявий хавфсизлигини таъминлаш жараёни ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предметини** Акциядорлик жамиятлари молиявий хавфсизлигини таъминлаш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда эмпирик, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик маълумотларни гурухлаш, қиёсий таҳлил, танлама кузатув, панель корреляцион ва регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

Акциядорлик жамиятларининг молиявий кўрсаткичлар орқали молиявий хавфсизлик ҳолатини баҳолашнинг индикаторлари ишлаб чиқилган;

Акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлик ҳолатини баҳоловчи ҳисобланган индикаторларни 2025 йилга қадар прогноз

кўрсаткичлари вақтлар қаторида корреляцион-регрессион эконометрик модели такомиллаштирилган;

Акциядорлик жамиятларининг иқтисодий қўшилган қиймат (EVA) усули орқали молиявий хавфсизлиги ҳолатини баҳолаш тизими такомиллаштирилган;

Горизантал, верикал, қиёсий, молиявий коэффицентлар ва интеграл усуллари орқали акциядорлик жамиятларини молиявий хавфсизлигини таъминлаш тизими ишлаб чиқилган

**Тадқиқотнинг амалий натижаси қуидагилардан иборат:**

акциядорлик жамиятларини ҳолатини баҳолашнинг индикаторлар ҳисобланган ликвидилик коэффициенти, жорий ликвидилик коэффициенти, молиявий левераж коэффициенти, ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти, ўз капитали рентабеллиги коэффициенти (ROE), молиявий мустақиллик коэффициенти, дивидендли даромад коэффициенти, дивидендни тўлаш қобилияти коэффициенти, Р/Е коэффициенти ва Р/В коэффициентларни меъёри ишлаб чиқилган;

Акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлик ҳолатини баҳоловчи ҳисобланган индикаторларни 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари вақтлар қаторида корреляцион-регрессион эконометрик модели такомиллаштириш инобатга олиш асосланган;

Акциядорлик жамиятларининг иқтисодий қўшилган қиймат (EVA) усули орқали молиявий хавфсизлиги ҳолатини баҳолаш тизими тавсия этилган;

Акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлигин таъминлаш даражасини аниқлаш, акциядорлик жамиятларини молиявий хавфсизлигин бошқаришда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ҳамда жамиятларнинг молиявий манфаатларини статистик ва динамик таҳдидлардан ҳимояланиш даражасини миқдорий баҳолаш тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги етакчи иқтисодчи олимларнинг Акциядорлик жамиятлари молиявий хавфсизлигини таъминлаш йўллари бўйича илмий-назарий фикрларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ҳамда умумлаштириш, капитал қийматини баҳолаш эксперт натижалари ҳамда миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларига асосланганлиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг статистик маълумотлари, Корпоратив ахборот ягона портали ва акциядорлик жамиятлари статистик маълумотларига асосланиб жараённи таҳлил қилиш орқали илмий-назарий хулосалар қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти акциядорлик жамиятлари молиявий хавфсизлигини таъминлаш йўллари орқали мамлакат капитал бозорини ривожлантириш, унинг иқтисодиётдаги улушини ҳамда инвестицияларни жалб этишдаги салмоғини сезиларли даражада ошириш, Акциядорлик жамиятларининг молиявий кўрсаткичлар орқали молиявий хавфсизлик ҳолатини баҳолашнинг индикаторларини ишлаб чиқиш, улардан маҳсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти акциядорлик жамиятларнини самарадорлик кўрсаткичлари тизимини, шунингдек, баҳолашнинг индикаторлар ҳисобланган ликвидлилик коэффициенти, жорий ликвидлилик коэффициенти, молиявий левераж коэффициенти, ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти, ўз капитали рентабеллиги коэффициенти (ROE), молиявий мустақиллик коэффициенти, дивидендли даромад коэффициенти, дивиденденди тўлаш қобилияти коэффициенти, Р/E

коэффициенти ва Р/В коэффициентларни такомиллаштириш мақсадида қабул қилинадиган қонун ва қонун ости ҳужжатлари, мамлакат Президентининг фармонлари, қарор ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиши, акциядорлик жамиятлари ҳамда капитал бозорини самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишида қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Акциядорлик жамиятлари молиявий хавфсизлигини таъминлаш йўллари бўйича ишлаб чиқилган илмий амалий ва услубий таклиф ҳамда тавсиялар асосида:

Акциядорлик жамиятларининг молиявий кўрсаткичлар орқали молиявий хавфсизлик ҳолатини баҳолашнинг индикаторлари ишлаб чиқилган ва амалиётга қўланилган (Ўзбекистон ёғ-мой саноат корхонаси уюшмасининг 2021 йил 13 сентябрдаги №644-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида акциядорлик жамиятларини ҳолатини баҳолашнинг индикаторлар ҳисобланган ликвидлилик коэффициенти, жорий ликвидлилик коэффициенти, молиявий левераж коэффициенти, ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти, ўз капитали рентабеллиги коэффициенти (ROE), молиявий мустақиллик коэффициенти, дивидендли даромад коэффициенти, дивидендни тўлаш қобилияти коэффициенти, Р/Е коэффициенти ва Р/В коэффициентларни меъёрини аниқлаш имконини берган.

Акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлик ҳолатини баҳоловчи ҳисобланган индикаторларни 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари вақтлар қаторида корреляцион-регрессион эконометрик модели такомиллаштирилган ва амалиётга қўланилган (Ўзбекистон ёғ-мой саноат корхонаси уюшмасининг 2021 йил 13 сентябрдаги №644-сон

маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида акциядорлик жамиятининг молиявий индикаторларига таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини баҳолашга асосланган сценарий моделлар ёрдамида прогноз қилинган. Ушбу прогноз акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлигини баҳловчи индикторларни ўрта ва қисқа муддатда ўзгаришини ҳамда яқин келажақда акциядорлик жамиятлари молиявий ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлашга хизмат қилган.

Акциядорлик жамиятларининг иқтисодий қўшилган қиймат (EVA) усули орқали молиявий хавфсизлиги ҳолатини баҳолаш тизими такомиллаштирилган ва амалиётга қўланилган (Ўзбекистон ёғ-мой саноат корхонаси уюшмасининг 2021 йил 13 сентябрдаги №644-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида акциядорлик жамиятларининг иқтисодий қўшилган қиймат меъёрини аниқлаш ҳамда корхона ўз стратегиясини амалга ошириш учун ташқи ва ички хатарларга қарши туриш қобилиятини имкоятини беради.

Горизантал, вертикал, қиёсий, молиявий коэффицентлар ва интеграл усуллари орқали акциядорлик жамиятларини молиявий хавфсизлигини таъминлаш тизими ишлаб чиқилган ва амалиётга қўланилган (Ўзбекистон ёғ-мой саноат корхонаси уюшмасининг 2021 йил 13 сентябрдаги №644-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлигин таъминлаш даражасини аниқлаш, акциядорлик жамиятларини молиявий хавфсизлигин бошқаришда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ҳамда жамиятларнинг молиявий манфаатларини статистик ва динамик таҳдидлардан ҳимояланиш даражасини миқдорий баҳолаш имкониятини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, шу жумладан, 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий

**конференцияда маъруза шаклида баён этилган ва мухокамадан ўтказилган.**

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 3 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган журналларда 2 та илмий мақола, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 117 бетни ташкил этади.

**1-БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ МОЛИЯВИЙ  
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ  
АСОСЛАРИ**

**1.1. Акциядорлик жамияти молиявий хавфсизлиги тушунчасига  
нисбатан илмий-назарий ёндашувлар**

Мамлакат иқтисодиётида молиявий муносабатлар ролининг кучайиши нафақат давлат, бироқ акциядорлик жамиятларини даражасида молиявий хавфсизликни таъминлаш аҳамиятининг ошишига олиб келади. Акциядорлик жамиятларини молиявий хавфсизлигининг асосий мақсади эса, унинг ҳозирги кунда максимал даражада самарали фаолият қўрсатиши ва келажакда юқори ривожланиш салоҳиятига эга бўлишини таъминлашдан иборатdir. Чунончи, акциядорлик жамиятнинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш – бутун давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги тизимининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шу сабабли биз молиявий хавфсизликнинг асосий элементларидан ҳисобланган акциядорлик жамиятларнинг молиявий хавфсизлиги ва уни таъминлаш масаласига тўхталиб ўтамиз.

Акциядорлик жамиятларини молиявий хавфсизлиги деган атамаси иқтисодий адабиётларда пайдо бўлганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Акциядорлик жамиятнинг барқарор молиявий фаолиятини қўллаб-қувватлаш усууларига икки хил нуқтаи назар мавжуд бўлиб келган. Биринчиси, кўплаб муаллифлар молиявий хавфсизликни акциядорлик жамиятнинг иқтисодий хавфсизлиги элементи сифатида қўриб чиқишиган. Иккинчиси, инқирозга қарши чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиши таклифидан иборат бўлган.

Ушбу ёндошувларда акциядорлик жамиятнинг ривожланиш жараёнини корхонанинг молиявий манфаатларини ҳимоя қилиш билан тизимли ўрганишни кўзда тутмаган.

Сўнгги йиллар амалиёти шундан далолат берадики, акциядорлик жамиятнинг жорий молиявий ҳолати ёмонлашуви эҳтимоли оқибатида ташкилот инқирозга ёки банкротга учраши молиявий хавфсизликни таъминлаш борасида самарали тизим ишлаб чиқилмаганлиги билан асосланган.

Шу сабабли, аввало, акциядорлик жамиятларини молиявий хавфсизлиги тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиб берамиз.

Молиявий хавфсизлик – акциядорлик жамият иқтисодий хавфсизлигининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, акциядорлик жамиятда уни таъминлашга алоҳида эътибор берилиши лозим. (1.1.-расм)

- 
- Акциядорлик жамиятнинг молиявий хавфсизлиги индикаторларини аниqlаш
  - акциядорлик жамиятнинг қисқа ва узоқ муддатли даврлар учун молиявий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш
  - чора-тадбирларни бажариш устидан назорат қилиш
  - чора-тадбирларни бажаришни таҳлил қилиш, баҳолаш, тузатиш
  - акциядорлик жамиятга таъсир қилиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ташқи мухит ҳолатининг ўзгариши, акциядорлик жамиятнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда аниqlаш ва индикаторларга тузатишлар киритиш
  - молиявий хавфсизликни мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқиш

### **1.1.-расм. Акциядорлик жамият иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги вазифалар**

МДҲ олими Р.С.Папехин хулосасига кўра эса, акциядорлик жамият молиявий хавфсизлиги – акциядорлик жамият қўшимча риск шароитларида ўзининг молиявий хавфсизлигини сақлаган ҳолда, барқарор ривожланишга қодир бўлган молия ҳолатини акс эттирадиган мажмуавий тушунчадир .

Бошқа бир иқтисодчи олим А.Ю. Фёдорованинг тадқиқотларига кўра, акциядорлик жамиятнинг молиявий хавфсизлиги – акциядорлик жамият

тижорат сирлари, интеллектуал мулки ва ахборотларининг сақланиши; акциядорлик жамиятнинг ташқи муҳит салбий таъсирларидан ҳимоя қилингандиги ва уларга тез жавоб қайтариш қобилияти билан тавсифланади. Ресурсли-функционал ёндашув нуқтаи назаридан, акциядорлик жамият молиявий хавфсизлиги акциядорлик жамиятнинг тўхтовсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш ва таҳдидларни минималлаштириш учун корпоратив ресурслардан самарали фойдаланишни ифодалайди .

Рус олими Н.В. Якушина акциядорлик жамият молиявий хавфсизлигини ташқи муҳит ноаниқликлари шароитида тадқиқ этиб, акциядорлик жамиятининг ривожланиш стратегияси мақсадларига мос келадиган молиявий стратегиясини мустақил равишда ишлаб чиқиши, ҳамда ишлаб чиқилган молия стратегияси доирасида тасдиқланган индикаторлар қийматининг ўзгаришига жавоб қайтаришни амалга оширишни таклиф этади.

Шунингдек, у акциядорлик жамият молиявий хавфсизлигини таъминлашни бир қатор босқичларга ажратиб кўрсатади:

- акциядорлик жамиятнинг молиявий ва ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этадиган таҳдидларни аниқлаш ва келгусида уларни тавсифлаш;
- акциядорлик жамият молиявий хавфсизлигига таҳдидларни идентификация қилиш чора-тадбирлари ва механизmlарини ишлаб чиқиш;
- акциядорлик жамият молиявий хавфсизлигига таҳдидлар даражаси индикаторларидан фойдаланишга асосланган чекловлар тизимини ташкил қилиш;
- ички ва ташқи таҳдидлар таъсирини бартараф қиладиган ёки юмшатадиган акциядорлик жамият молиявий хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари ва механизmlарини шакллантириш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикримизча, акциядорлик жамиятнинг молиявий хавфсизлиги – бу:

- акциядорлик жамият фаолиятини барқарор ривожланишини таъминлаш;
- акциядорлик жамият молиявий барқарорлигининг зарурий шарти;
- акциядорлик жамиятнинг молиявий ҳолати ёмонлашуви бўйича эҳтимолий таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф қила олиш имконияти;
- акциядорлик жамият фаолиятида юзага келадиган рискларни минималлаштириш;
- акциядорлик жамиятнинг ички ва ташқи хавфлардан ҳимояланиш даражасидир.

Тадқиқотларга кўра, акциядорлик жамиятнинг молиявий хавфсизлигини таъминлашда қарздорлик даражаси, ўз маблағлари ва қарз маблағлари нисбати, корхонанинг ва ҳамкорларнинг молиявий ҳолати, шунингдек, фонд бозори қатнашчиларининг молиявий ҳолати мониторингини ўтказиш зарур ҳисобланади. Чунки, ички ва ташқи муҳитнинг ўзгаришига мослаша оладиган молиявий тизимни шакллантириш орқалигина акциядорлик жамиятнинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш мумкин. Акциядорлик жамиятнинг молиявий хавфсизлигини таъминлашда молиявий барқарорлик даражалари муҳим аҳамият касб этади, чунки акциядорлик жамиятнинг молиявий хавфсизлиги учун молиявий барқарорликнинг мутлақ эмас, балки оқилона даражаси муҳим.

Шундай қилиб, молиявий хавфсизликни доимий кузатиб ва мониторинг қилиш зарурияти ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг барқарор фаолият кўрсатиш ва фаолият мақсадларига эришишини таъминлашга бўлган объектив эҳтиёжи билан белгиланади.

Акциядорлик жамиятнинг молиявий хавфсизлик даражаси унинг менежерлари ва мутахассисларининг эҳтимолий таҳдидларни олдини олиш

ҳамда ички ва ташқи мухитнинг алоҳида салбий таркибий қисмларининг зарарли оқибатларини тугатишга қанчалик қодир эканлигига боғлиқдир.

Акциядорлик жамиятлари молиявий хавфсизлигини баҳолаш ва таъминлаш билан боғлиқ илмий изланишлар тадқиқотчилар томонидан деярли олиб борилмаган.

Кўпчилик иқтисодчи олимлар акциядорлик жамиятлар молиявий хавфсизлиги билан боғлиқ тадқиқотларни амалга оширишган. Аммо, тадқиқот ишларида акциядорлик жамиятларининг ўзига хос хусусиятлари, яъни фонд бозорида қимматли қоғозларининг даромадлилиги, дивидендни тўлаш қобилияти ва акцияларини ликвидлилик даражаси каби масалалар кам ёритилган.

Хорижлик олимлардан бири И.А. Бланк фикрига кўра, акциядорлик жамият молиявий хавфсизлиги акциядорлик жамиятнинг молиявий стратегиясини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қобилияти хисобланади. Яъни, молиявий хавфсизлик акциядорлик жамиятнинг қуидаги ҳолатларида акс этади<sup>4</sup>:

- 1) узок муддатли даврда акциядорлик жамиятнинг молиявий мувозанатини, барқарорлигини,  
тўлов қобилиятини ва ликвидлигини таъминлаш имконини беради;
- 2) акциядорлик жамият фаолиятини кенгайтириш учун молиявий ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондира олиш имконига эга;
- 3) акциядорлик жамиятнинг етарли молиявий мустақиллигини таъминлайди;
- 4) молиявий қарорлар қабул қилишда етарлича мослашувчанликни таъминлайди ва мулк эгаларининг молиявий манфаатларини химоя қила олади.

---

<sup>4</sup> Бланк И.А. Управление финансовой безопасностью предприятия. - К.: Эльга, НикаЦенто, 2004. - с.24.

Н.В. Якушина акциядорлик жамият молиявий хавфсизлигини бир қатор босқичлар асосида таъминлаш лозимлигини асослаб берган<sup>5</sup>:

- акциядорлик жамиятнинг молиявий, ишлаб чиқариш ва бошқа ривожланиш фаолиятига таъсир этадиган салбий омилларни аниқлаш ҳамда истиқболда уларни тавсифлаш;
- акциядорлик жамият молиявий хавфсизлигига таъсир этувчи салбий омилларни идентификация қилиш чора-тадбирлари ва механизмларини ишлаб чиқиши;
- ички ва ташқи салбий омиллар таъсирини бартараф қиласидиган ёки камайтирадиган акциядорлик жамият молиявий хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари ва механизмларини шакллантириши.

Профессор А.В. Гукова ва И.Д. Аникина тадқиқотларига кўра, акциядорлик жамиятнинг молиявий хавфсизлиги – унинг ноаниқ ва рақобатбардош муҳити шароитида корпоратив стратегия мақсадларига мувофиқ ҳолда молиявий стратегияни мустақил тарзда ишлаб чиқиш ва олиб бориш қобилиятидир<sup>6</sup>.

Хорижлик иқтисодчи олимлардан О.Н Бадаевой., Е.В.Цупколар илмий ишларида молиявий хавфсизлик акциядорлик жамиятнинг молиявий ҳолати билан боғлиқ рискларни ва мазкур рискларга қанчалик бардош бериш қобилиятини кўрсатадиган ҳолат ҳисобланади<sup>7</sup>. Уларнинг фикрига кўра, молиявий хавфсизлик маълум бир сана молиявий ҳолатининг маълум даражасини акс эттиради, хусусан статик характерга эга бўлиб, ушбу

<sup>5</sup> Якушина Н.В. Финансовая безопасность предприятия // Вестник Университета, № 11, 2013. –с.132-135

<sup>6</sup> Гукова А.В., Аникина И.Д. Индикаторы финансовой безопасности предприятия //Финансовая безопасность, №2, 2007. –с.49-52.

<sup>7</sup> Бадаева О.Н., Цупко Е.В. Оценка финансовой безопасности малых и средних предприятий//Российское предпринимательство. – 2013. - №4 (236) .-с.71-83.

тушунчани молиявий хавфсизликни бошқариш мақсадларида ишлатиш доирасини торайтиради. Шу сабабдан, улар молиявий хавфсизликни бошқариш акциядорлик жамиятлар ҳолатини диагностика қилиш ва назорат қилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабат ҳисобланлади.

К.О Багаеванинг илмий ишланишида акциядорлик жамиятлар молиявий хавфсизлиги чекланган пул маблағларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнигининг самарадолигини таъминлашга, шунингдек молиявий ресурсларга ташқи ва ички рискларга таъсирик даражасини орқали белгиланди<sup>8</sup>. Унинг фикрича, энг мақбул молиявий хавфсизлик тушунчасини қуидагича деб таъкидлайди. Акциядорлик жамиятнинг молиявий хавфсизлиги деганда акциядорлик жамият ресурсларидан энг самарали фойдаланишни таъминлайдиган, рискларга қарши турадиган ва уларнинг таъсирини юмшатувчи ва шу билан бирга бизнес мақсадларига эришишга ҳисса қўшадиган молиявий тизимининг ҳолати ҳисобланади.

Иқтисодчи олимлардан О.В. Россошанскаянинг тадққиқотига кўра<sup>9</sup>, акциядорлик жамиятнинг молиявий хавфсизлиги ҳолатини индикаторлар тизими ёрдамида баҳолаш имконияти мавжудлигини таҳлил қилиб, қоплаш коэффициенти, муҳторлик коэффициенти, молиявий левераж коэффициенти, тўлашга мўлжалланган фоизларнинг таъминланганлик коэффициенти, активларнинг рентабеллиги коэффициенти, хусусий капитал рентабеллиги коэффициенти, капитални ўртacha торлигани қиймати (WACC), акциядорлик жамиятнинг ривожланиш коэффициенти, фойдани ўсиш суръати коэффициенти, кредиторлик ва дебиторлик қарздорлик айланиш

---

<sup>8</sup>Багаева К.О. Финансовая безопасность предприятия как объект управления. Материалы 4(15)-й международной научной конференции. 17-18 февраля 2011 года : сборник докладов. Т. I / под ред. д-ра экон. наук, проф. В.Е. Леонтьева, д-ра экон. наук, проф. Н.П. Радковской. - СПб. : Изд-во СПбГУЭФ,2011. - 334 с.. 2011

<sup>9</sup>Россошанская О.В. Оценка экономической безопасности инновационных проектно-ориентированных предприятий// Управление экономическими системами – 2013 - №5

коэффициентлари ўрганган ҳолда акциядорлик жамиятнинг хавфсизлик чегараларини белгилаган. Шунингдек, Л.А.Запорожцевой ҳам тадқиқотида юқоридаги коэффициентлар орқали акциядорлик жамиятнинг хавфсизлик ҳолати баҳоланиб, факатгина иқтисодий қўшилган қиймат (EVA) коэффициенти қўшган ҳолда баҳолашни амалга оширган<sup>10</sup>.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим проф. А.У. Бурхановнинг ёндашувига кўра<sup>11</sup>, акциядорлик жамиятнинг молиявий хавфсизлиги – бу: акциядорлик жамият фаолиятини барқарор ривожланишини таъминлаш; акциядорлик жамият молиявий барқарорлигининг зарурый шарти; акциядорлик жамиятнинг молиявий ҳолати ёмонлашуви бўйича эҳтимолий таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф қила олиш имконияти; акциядорлик жамият фаолиятида юзага келадиган рискларни минималлаштириш; акциядорлик жамиятнинг ички ва ташқи хавфлардан ҳимояланиш даражасидир.

Ўзбекистонлик иқтисодчи Б.О.Турсуновнинг фикрича, корхонанинг молиявий хавфсизлиги бу – корхонанинг молиявий манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланган ҳолда унинг молиявий-иктисодий барқарорлиги, ликвидлилиги ва такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда стратегик молиявий мақсадларга эришиш қобилиятини сақлаш даражасидир<sup>12</sup>.

Юқоридаги тадқиқотлардан кўриниб турибдики, деярли қўпчилик илмий ишларда акциядорлик жамиятлар молиявий хавфсизлиги ва уни таъминлаш масалалари ёритилган. Фикримизча, акциядорлик жамиятнинг хавфсизлиги ҳолатини баҳолашда қўйидаги индикаторлар: ликвидлилик коэффициенти, жорий ликвидлилик коэффициенти, молиявий левераж коэффициенти, ўз

<sup>10</sup> Запорожцевой. Л.Аоценка финансовой безопасности малых и средних предприятий 174 с.

<sup>11</sup> Бурханов А. Молиявий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Маънавият, 2019. - 92 б.

<sup>12</sup> Турсунов Б.О. Корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. Икт.фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрлаган дисс.автореферати, 2021 йил, 36-бет

маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти, ўз капитали рентабеллиги коэффициенти (ROE), молиявий мустақиллик коэффициенти, дивидендли даромад коэффициенти, дивидендни тўлаш қобилияти коэффициенти, Р/Е коэффициенти ва Р/В коэффициентлар орқали баҳолашни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, мазкур коэффициентлар орқали акциядорлик жамиятнинг молиявий хавфсизлигини ҳолати баҳолашда молиявий ҳолат билан боғлиқ ташқи ва ички рискларни даражасини ҳамда қай даражада эканлиги ҳисоблаш имконияти беради.

## **1.2. Акциядорлик жамияти молиявий хавфсизлигига таъсир қилувчи омиллар таснифи**

Акциядорлик жамияти молиявий хавфсизлигини тадқиқ этишнинг ажralmas элементи уни баҳолаш мезонларини танлаш ҳисобланади. Шу сабабли, акциядорлик жамиятининг молиявий хавфсизлигини баҳолашда кўлланиладиган кўрсаткичларнинг мезонлари, меъёрлари ва чегаравий даражаларини шакллантириш лозим.

Молиявий хавфсизлик даражасининг миқдорий баҳосини акциядорлик жамият фаолиятини режалаштириш, ҳисобга олиш ва таҳлил қилишда фойдаланиладиган кўрсаткичлар ёрдамида олиш мақсадга мувофиқ бўлиб, ушбу баҳолашдан амалий фойдаланиш учун шарт-шароит ҳисобланади.

Бунинг учун акциядорлик жамиятнинг ликвидлилиги, заарсизлик нуқтаси ва молиявий барқарорлиги кўрсаткичларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда молиявий хавфсизлик даражаси маҳсус молиявий индикаторлар асосида аниқланади.

В. Забродскийнинг ёндашувига мувофиқ, акциядорлик жамияти молиявий хавфсизлигини баҳолаш молиявий хавфсизликни белгилаб берадиган

кўрсаткичлар йигиндинсининг интеграциясига асосланади<sup>13</sup>. Бунда кўрсаткичлар интеграциясининг бир неча даражаси ва уларни таҳлил қилишнинг кластерли ва кўп ўлчамли таҳлили каби усувлардан фойдаланилади. Бундай ёндашув математик таҳлилдан фойдаланган ҳолда амалга оширилган таҳлилнинг мураккаблик даражасини юқорилиги билан ажралиб туради.

Бошқа тадқиқотларда, акциядорлик жамият молиявий хавфсизлик даражасини баҳолаш учун қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади<sup>14</sup>:

- ишлаб чиқариш индикаторлари;
- ишлаб чиқариш динамикаси (ўсиш, пасайиш, барқарор ҳолат, ўзгаришлар суръати);
- ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланишнинг реал даражаси;
- ишлаб чиқариш асосий фондларининг янгиланиш суръати;
- ишлаб чиқариш жараёни барқарорлиги;
- ЯИМда ишлаб чиқариш салмоғи;
- маҳсулот рақобатбардошлигини баҳолаш;
- асбоб-ускуналар ва машиналар парки структураси ва техник ресурси;
- молиявий индикаторлар:
  - буюртмалар «портфели» ҳажми (тахмин қилинган сотувлар умумий ҳажми);
  - инвестицияларнинг амалдаги ва зарурий ҳажми (мавжуд салоҳиятни қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш учун);
  - инновацион фаоллик даражаси (янгилик киритишга инвестициялар ҳажми);

---

<sup>13</sup> Забродский В., Капустин Н. Теоретические основы оценки экономической безопасности отрасли и фирмы // Бизнес-информ, 1999. – №15-16. – С.35-37.

<sup>14</sup> Богомолов В.А. Экономическая безопасность: учеб. пособие / В.А. Богомолов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – С.295.

- ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражаси;
- ишлаб чиқаришнинг фонд самараси (капитал сифими);
- муддати ўтказиб юборилган қарзлар (дебиторлик ва кредиторлик);
- ишлаб чиқариш учун энергетика ресурслари, материаллар, айланма воситаларни молиялаштиришнинг ўз манбалари билан таъминланганлик даражаси;
- ижтимоий индикаторлар:
- иқтисодиёт ёки саноат бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси;
- иш ҳақи бўйича қарздорлик даражаси;
- иш вақтининг йўқотилиши;
- кадрлар салоҳияти (ёши, малакаси).

Бир қатор иқтисодчи олимлар тадқиқотларида, акциядорлик жамиятининг молиявий хавфсизлик ҳолати қуидаги кўрсаткичлар тизими ёрдамида баҳолаш мумкинлиги асосланган:

1. Қоплаш коэффициенти (айланма маблағлар/қисқа муддатли мажбуриятлар).
2. Мухторлик коэффициенти (ўз капитали/валюта баланси).
3. Молиявий левераж даражаси (узоқ муддатли мажбуриятлар/ўз капитали).
4. Тўлашга мўлжалланган фоизларнинг таъминланганлик коэффициенти (фоиз ва соликларни тўлашдан олдин олинган фойда/тўлашга мўлжалланган фоизлар).
5. Активларнинг рентабеллиги (соф фойда/валюта баланси).
6. Ўз капиталининг рентабеллиги (соф фойда/ўз капитали).
7. Капиталнинг ўртача қиймати (WACC).

8. Компаниянинг ривожланиш кўрсаткичи (умумий инвестицияларнинг амортизация ажратмаларига нисбати).

9. Кредитларнинг вақтинчалик тузилмаси.

10. Диверсификация кўрсаткичлари:


- харидорларнинг диверсификацияси (битта харидорнинг тушумдаги улуши);

- етказиб берувчиларнинг диверсификацияси (битта етказиб берувчининг тушумдаги улуши).

11. Фойда, маҳсулот сотиш ва активларнинг ўсиш суръатлари.

12. Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликнинг айланиш тезлиги.

Айрим иқтисодчилар фикрича, акциядорлик жамиятининг молиявий хавфсизлик даражасига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади, хусусан, капиталдан фойдаланиш самарадорлиги, акциядорлик жамиятда бошқарув ва молиявий менежмент сифати, технологик жиҳозланиш ва ахборот базасининг ўз вақтида янгиланиши, шунингдек, иқтисодий рискларни самарали бошқариш ва сифатли баҳолаш, бозор конъюнктураси ўзгаришларига мослашиш қобилияти<sup>15</sup>.



**1.1-расм. Акциядорлик жамият молиявий хавфсизлик даражасига таъсир этувчи омиллар<sup>16</sup>**

<sup>15</sup> Фёдорова А.Ю. Финансовая безопасность и факторы, влияющие на нее // Социально-экономические явления и процессы. Москва: 2016. -Т. 11, № 8. –с.86-92.

<sup>16</sup> Богомолов В.А. Экономическая безопасность. Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – 295 с.

Профессор В.А. Богомолов акциядорлик жамиятининг молиявий хавфсизлик даражасига таъсир этувчи омилларни тизимлаштирган ҳолда тадқиқ қиласи (1.1-расм).

Ушбу омиллардан ташқари, шунингдек, инсон омилини ҳам инобатга олиш зарур ҳисобланади.

Россиялик иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, акциядорлик жамият (ташкилот)нинг молиявий хавфсизлигига салбий таъсир манбалари кўйидагилар бўлиши мумкин<sup>17</sup>:

-алоҳида мансабдор шахслар ёки хўжалик юритувчи субъектларининг (давлат хукумат органлари, халқаро ташкилотлар, рақобатчилар) онгли ва ғайриконуний равишдаги ҳаракатлари;

-объектив воқеаларнинг бир-бирига тўғри келиб қолиши (илмий ихтиrolар ва технологик ишланмалар, форс-мажор ҳолати ва бошқалар).

Акциядорлик жамият молиявий хавфсизлигига салбий таъсирлар объектив ва субъектив бўлиши ҳам мумкин. Акциядорлик жамият ёки унинг алоҳида ходимлари орқали юзага келмайдиган таъсирлар объектив таъсирлар ҳисобланади. Субъектив таъсирлар акциядорлик жамият ёки унинг алоҳида ходимлари (биринчи навбатда, раҳбарият ва функционал менежерлар) самарасиз ишлаши натижасида юзага келади.

Акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлигига ташки таҳдидлар акциядорлик жамият фаолиятига боғлиқ бўлмайди, ҳамда уларни тўлиқ йўқ қилиш имконияти мавжуд эмас, фактгина салбий оқибатларини минималлаштиришга имкон берадиган ҳимоя механизмлари ишлаб чиқиши мумкин холос.

---

<sup>17</sup> Экономическая и национальная безопасность. Учебник. Под ред. Л.П. Гончаренко. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007.

Акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлигига чкии таҳдидлар бевосита корхона фаолияти билан боғлиқ бўлиб, корхона молиясини бошқариш соҳасида менежментнинг тасодифий ҳолатлари билан изоҳланади. Акциядорлик жамият молиявий хавфсизлиги молиявий барқарорлик, баланс активи ликвидлилиги, тўлов лаёқати, операцион ва молиявий дастаклар нисбати каби кўрсаткичлар билан ҳам боғлиқ.

Шундай қилиб, молиявий хавфсизликнинг ички ва ташқи омилларини ҳисобга олиб, молиявий кўрсаткичларга асосланган ҳолда, акциядорлик жамиятнинг умумий бош стратегиясида ҳисобга олинадиган акциядорлик жамият молиявий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш зарурати юзага келади.

Тизимлилик зарур, чунки акциядорлик жамият молиявий хавфсизлик тизимида «муҳим» ва «энг муҳим» элементлар йўқ

Акциядорлик жамиятнинг молиявий ҳолатини доимий кузатиб бориш, ишларнинг айни пайтдаги боришини билиш учун энг муҳим молиявий-иктисодий кўрсаткичларни мунтазам таҳлил қилиш зарур

Агар қарзларни қоплаш ёки ўз маблағлари ҳисобига ривожланиш имконияти бўлса, қарз маблағларни ҳаддан ташқари сунистъемол қилишдан қочиш керак, чунки улардан керагидан ортиқ фойдаланиш баланс тўловлари ва ликвидлиликини пасайтириш ҳамда келгусида банкротга олиб келиши мумкин. Бу ҳолат мулкни йўқотиш рискини юзага келтиради (акциядорлик жамият қарзлари ва акияларини мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳамкорлар томонидан сотиб олиш). Ҳозирги шароитларда, турли рискларни ҳисобга олиб, қарз капитали/ўз капитали нисбати 30/70ни ташкил килиши лозим

Акциядорлик жамиятга кўнгилсиз таъсирларни олдиндан аниқлаш имконияти бўлиши керак. Кўплаб акциядорлик жамиятлар вазиятнинг ўзгаришига жавоб қайташишнинг «реактив» усулидан фойдаланиб ишлайди, яъни моҳиятан «йиртиқларни ямаш» билан шугулланади. Шу сабабли, барча эҳтимолий ривожланиш сценарийларини ҳисобга олиш ва захирада бир нечта ишлаб чиқилган қаршилик кўрсатиш вариантларига эга бўлиш, масалан, битта эмас, бир нечта банк билан ишлаш зарур

Операцион ва молиявий дастак каби кўрсаткичларни, шунингдек, уларнинг нисбатини дикқат билан кузатиб бориш зарур. Бу дастакларнинг ўзаро боғлиқлиги молиявий дастаклар пайдо бўлишининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади

Акциядорлик жамият ходимларининг малакасини ўз вақтида ошириш, уларнинг интизомий жавобгарлигини кучайтириш, масъулиятсиз ва фирибгарлик ҳаракатлари рискини пасайтириш зарур

### 1.3-расм. Молиявий хавфсизлик даражасининг сифатини ошириш чора-тадбирлари<sup>18</sup>

Юқоридаги илмий адабиётлар ва манбаларни таҳлил қилиш асосида,

<sup>18</sup> муаллиф ишланмаси

фикрилизча, акциядорлик жамиятлар молиявий хавфсизлигига бевосита ва билвосита таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олиш лозим. Бевосита омиллар кўрсаткичлари орқали баҳоланади, билвосита омиллар эса, қуидагилардан иборат:

- мамлакат инфляция даражаси;
- миллий валютанинг қадрсизланиш (девальвация) суръати;
- давлат бюджети дефицити даражаси;
- давлат қарзи даражаси.

### Ички омиллар



- молиявий барқарорлик даражаси
- акциядорлик жамиятнинг тўлов лаёқати ва ликвидлилик даражаси
- иктисадчилар, бухгалтерлар ва молиячилар малакаси
- ўз капитали ва қарз капитали нисбати
- акциядорлик жамият раҳбарларининг малакаси ва тажрибаси
- акциядорлик жамият ходимларининг жавобгарлиги; хукуқшуносларнинг касбий хислатлари, хукукий таъминот даражаси;
- ишлаб чиқариш техникаси ва технологиялари

### Ташқи омиллар



- дебиторлар тўлов лаёқати
- тақдим этилаётган кредит хизматларининг қиймати ва сифати
- ҳамкорлар, харидорлар ва таъминотчилар ишончлилиги махаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган харакатлар характеристи;
- мамлакатдаги мавжуд иктисадий вазият барқарорлиги; ракоабатчилар ва бошка манфаатдор шахслар томонидан амалга ошириладиган харакатлар характеристи

## 1.2.-расм. Акциядорлик жамият молиявий хавфсизлик ҳолатига таъсир этадиган ички ва ташқи омиллар<sup>19</sup>

Юқорида қайд этилган кўрсаткичларнинг меъёрий даражаларига эришилиши акциядорлик жамиятда молиявий хавфсизликнинг

<sup>19</sup> хорижий адабиётлар асосида муаллиф ишланмаси

таъминланганлигидан далолат беради. Айниқса, акциядорлик жамиятнинг ўз капитали қийматлари ва унинг бозор капиталлашуви қўрсаткичларини таққослаш муҳим ҳисобланади. Ушбу қўрсаткичлар ўртасидаги катта тафовутнинг мавжудлиги акциядорлик жамият акцияларининг етарли даражада баҳоланмаганлиги ёки ортиқча баҳоланганлигидан далолат беради. Биринчи ҳолатда акциядорлик жамият қўшиб олиш учун жозибали обьект бўлиши мумкин ёки унинг ҳолати менежерларнинг самарасиз фаолиятидан келиб чиқиб, бунинг оқибатида корпорация етарли инвестицион ресурслар билан таъминланмаслиги ёки улар акциядорлик жамият учун нокулай шартларда жалб қилиниши мумкин. Иккинчи ҳолатда акцияларнинг ортиқча баҳоланганлиги компаниянинг молиявий қийинчиликларини яширишга хизмат қилиши мумкин. Бу эса, молиявий хавфсизликни таъминлаш жиҳатидан салбий ҳолат ҳисобланади ва ҳатто, акциядорлик жамиятни банкрот бўлишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, хулоса чиқариш мумкинки, молиявий хавфсизлик муаммоси хозирги қунда долзарб ҳисобланиб, акциядорлик жамиятлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар компаниянинг бош молиявий стратегиясини ишлаб чиқища молиявий хавфсизликни нуқтаи назаридан ёндашишлари талаб этилади. Чунки айнан молиявий барқарорликка эришиш акциядорлик жамият молиявий хавфсизлигининг зарурый шарти ҳисобланади ва аксинча, молиявий хавфсизликка фақат акциядорлик жамият молиявий барқарорликка эришган ҳолдагина эришиш мумкин.

### **1.3. Акциядорлик жамияти молиявий хавфсизлигини баҳолашнинг қўрсаткичлар тизими**

Акциядорлик жамиятнинг молиявий хавфсизлигини баҳолашда аниқ меъёрий даражалар ва мезонларга эга бўлган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (1.1-жадвал).

### 1.1-жадвал

#### **Корхоналарнинг молиявий хавфсизлигини тавсифловчи кўрсаткичлар<sup>20</sup>**

№	Кўрсаткичнинг номи	Ҳисоблаш усули	Меъёрий даражаси
1	Мутлақ ликвидлилик коэффициенти	(Пул маблағлари + Қисқа муддатли молиявий инвестициялар) / Қисқа муддатли мажбуриятлар	min 0,2
2	Тезкор ликвидлилик коэффициенти	Ликвидли активлар/Жорий пассивлар	min 1,0
3	Жорий ликвидлилик коэффициенти	Жорий активлар/жорий пассивлар	min 2,0
4	Молиявий левераж коэффициенти	Ўз капитали/Қарз мажбуриятлари	min 0,25
5	Молиявий маржа коэффициенти	Кредитлар/(Активлар – Қарз мажбуриятлари)	max 1,0
6	Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	Ўз маблағлари / Жорий активлар	min 0,1
7	Активлардан фойдаланиш самарадорлиги коэффициенти	Товарларни сотишдан олинган даромадлар/товар захиралари қиймати	min 1,6
8	Баланс фойда меъёри коэффициенти	Маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси / Маҳсулот сотишдан соф тушум	-
9	Соф фойда меъёри коэффициенти	Соф фойда / Маҳсулот сотишдан соф тушум	-
10	Ўз капитали рентабеллиги коэффициенти	Соф фойда / Ўз капитали	min 0,15
11	Молиявий мустақиллик коэффициенти	Ўз маблағлар манбалари / Баланс активи	min 0,5 (оптимал даражаси 0,65-0,75)

<sup>20</sup> Бурханов А. Молиявий хавфсизлик. Ўкув қўлланма. –Тошкент: Маънавият, 2019. -92 б.

1.1-жадвал маълумотларидан молиявий хавфсизликни тавсифловчи кўрсаткичларнинг асосий қисмини меъёрий даражалари мавжуд бўлган кўрсаткичлар ташкил этади. Меъёрий даражалари мавжуд бўлмаган кўрсаткичларни баҳолаш учун молиявий таҳлилнинг қиёсий таҳлил усулидан фойдаланилади. Бунда ушбу кўрсаткичнинг жорий даврдаги даражаси унинг олдинги даврлардаги даражалари билан ёки бошқа корхонанинг ушбу кўрсаткичи даражаси билан таққосланади.

Мутлақ ва жорий ликвидлилик коэффициентлари.

Мутлақ ликвидлилик коэффициенти корхона ликвидлилигининг асосий мезони ҳисобланиб, қисқа муддатли мажбуриятларнинг қай қисми тезда мавжуд пул маблағлари ва тез сотиладиган қимматли қоғозлар ҳисобига қайтарилишини белгилаб беради.

Меъёрий қиймати 0,2 дан юқори (оптималь қиймат 0,2-0,35) бўлади, мутлақ ликвидлиликнинг бундай қиймати корхона томонидан 20-35% қисқа муддатли мажбуриятлар пул маблағлари ҳисобига тезкор қайтарилишини билдиради.

Жорий ликвидлилик коэффициенти қисқа муддатли мажбуриятларни бажариш учун айланма активларнинг етарлилигини кўрсатиб, корхонанинг барча айланма активлари мавжуд қисқа муддатли қарзларни қай даражада қоплайди; ушбу қарзни моддий айланма маблағларни жалб қиласдан туриб қай даражада қоплаш мумкин ва ниҳоят, қисқа муддатли қарзларнинг қанча қисмини активларнинг энг ликвидли қиймати – пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар билан қоплаш мумкинлигини аниқлаш имконини беради. Жорий ликвидлилик коэффициенти камида 2,0 даражасида бўлиши лозим.

Ушбу коэффициентлар корхоналарда жорий мажбуриятларни бажариш учун айланма активларнинг етарлилигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Корхоналар ликвидлилигини баҳолаш ва таҳлил қилиш молиявий

хавфсизликни таҳлил этишнинг энг асосий бўғини ҳисобланиб, улар корхоналарнинг мустаҳкам фаолият юритиши, уларнинг иқтисодий ночорлик аломатлари ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларини аниқлашга ёрдам беради.

## **2. Баланс фойда меъёри коэффициенти қуидагича ҳисобланади:**

**БФМК= Махсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси: Махсулот  
сотишдан соф тушум**

Бу коэффициент маҳсулот сотиш ва корхонани бошқариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш даражаси, бундан ташқари корхона фойдасини таъминловчи кўрсаткич ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан, баланс фойда меъёри корхонанинг ишлаб чиқариш харажатларини бошқариш қобилиятини кўрсатади ва ушбу кўрсаткичнинг юқорилиги корхона ишлаб чиқариш харажатларини самарали ва оқилона бошқараётганлигидан далолат беради. Коэффициентнинг пасайиши, агар корхона маъмурий ва маркетинг харажатларини камайтирмаса, маҳсулот сотишдан олинган фойда камайишига олиб келади.

**3. Соф фойда меъёри коэффициенти қуидаги формула билан топилади:**

**СФМК= Соф фойда : Махсулот сотишдан соф тушум**

Ушбу коэффициент корхона асосий фаолияти фойдасини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланиб, у корхонанинг асосий фаолияти, яъни ишлаб чиқариш ва молиявий менежерлар, маркетологларнинг қанчалик самарали ишлаётганлигини кўрсатади.

**4. Молиявий мустақиллик коэффициенти қуидагича аниқланади:**

**ММК = Ўз маблағлар манбалари : Баланс активи**

Маълумки, амалиётда убу кўрсаткичнинг меъёрий қийматининг энг пастки чегараси 0,5 қабул қилинган. Коэффициентнинг юқорилиги

корхонанинг молиявий барқарор ҳолатда ва ташқи кредиторлардан мустақил эканлигини англатади.

### **5. Молиявий левераж коэффициенти қуидагича аниқланади:**

$$\text{МЛК} = \frac{\text{Үз капитали}}{\text{Қарз мажбуриятлари}}$$

Ушбу коэффициентнинг юқори даражаси корхоналарнинг қарз маблағларига тобелик ҳолатини акс эттиради. Айни дамда у молиявий дастак самараси орқали ўз маблағлари рентабеллигига таъсир кўрсатади ва молиявий хатар даражасини баҳолашда қўлланилади, яъни молиявий қарамлик даражасини белгилайди. Кўрсаткич даражаси активлар таркиби, улардан фойдаланиш самарадорлиги, даромадлилиги ва корхонанинг ихтисослашувига бевосита боғлик.

### **6. Тезкор ликвидлилик коэффициенти қуидаги формула билан аниқланади:**

$$\text{ТЛК} = \frac{\text{Ликвидли активлар}}{\text{Жорий пассивлар}}$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг ликвидли активларини сотиш ҳисобига унинг қисқа муддатли мажбуриятларидан халос бўла олиш қобилиятини тавсифлайди. Бу ҳолда ликвидли активлар пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қуйилмалар ва қисқа муддатли дебиторлик қарздорликни ўз ичига олади.

### **7. Активлардан фойдаланиш самарадорлиги коэффициенти қуидаги формула билан аниқланади:**

$$\text{АФСК} = \frac{\text{Товарларни сотишдан олинган даромадлар}}{\text{товар захиралари қиймати}}$$

Ушбу коэффициент корхонани молиявий соғломлаштириш учун муҳим кўрсаткич ҳисобланиб, у корхонанинг таҳлил даври учун маҳсулот айланиш циклини ҳамда таҳлил қилинадиган даврда бир сўм активнинг айланишлар сонини кўрсатади.

Мазкур кўрсаткич капитал қуйилмаларнинг самарадорлигини баҳолаш учун инвесторлар томонидан қўлланилади.

**8. Ўз капитали рентабеллиги коэффициенти** қўйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{ЎКРК} = \text{Соф фойда} / \text{Ўз капитали}$$

Бу корхона учун муҳим молиявий кўрсаткич ҳисобланиб, ҳар қандай сармоядорга, бизнес эгасига, бизнесга киритган сармоясидан қанчалик самарали фойдаланганлигини кўрсатади.

**9. Молиявий маржа коэффициенти** қўйидагича аниқланади:

$$\text{ММК} = \text{Кредитлар} : (\text{Активлар} - \text{Қарз мажбуриятлари})$$

Ушбу коэффициент корхона раҳбариятининг ишлаб чиқариш харажатларини (хомашё ва материаллар қиймати, меҳнат ва ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш) бошқариш қобилиятини кўрсатади.

**10. Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти** қўйидагича аниқланади:

$$\text{ЎАМ} = \text{Ўз маблағлари} : \text{Жорий активлар}$$

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти корхонанинг жорий (операцион) фаолиятини молиялаштириш учун зарур бўлган ўз маблағлари етарлилигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражаси 0,1 дан катта бўлиши лозим.

Фикримизча, акциядорлик жамиятиларини молиявий хавфсизлик ҳолатини индикаторлар ёрдамида баҳолаш, шунингдек индикатор кўрсаткичлари акциядорлик жамиятларида таққослама таҳлил қилишдан иборат.

**Мутлақ ликвидлилик коэффициенти** (МуЛК) акциядорлик жамияти ликвидлилигининг асосий мезони ҳисобланади ва қўйидагича топилади:

$$\text{МуЛК} = (\text{Пул маблағлари} + \text{Қисқа муддатли молиявий инвестициялар})$$

## **/Қисқа муддатли мажбуриятлар**

Ушбу коэффициенти қисқа муддатли мажбуриятларнинг қай қисми тезда мавжуд пул маблағлари ва тез сотиладиган қимматли қоғозлар ҳисобига қайтарилишини белгилаб беради. Меъёрий қиймати 0,2 дан юқори (оптималь қиймат 0,2-0,35) бўлади, мутлақ ликвидлиликнинг бундай қиймати корхона томонидан 20-35% қисқа муддатли мажбуриятлар пул маблағлари ҳисобига тезкор қайтарилишини билдиради.

**Жорий ликвидлилик коэффициенти (ЖЛК)** қисқа муддатли мажбуриятларни бажариш учун айланма активларнинг етарлилигини кўрсатади ва қуидагича ҳисобланади:

$$\text{ЖЛК} = \frac{\text{Жорий активлар}}{\text{Жорий пассивлар}}$$

Ушбу коэффициент корхонанинг барча айланма активлари мавжуд қисқа муддатли қарзларни қай даражада қоплайди; ушбу қарзни моддий айланма маблағларни жалб қиласдан туриб қай даражада қоплаш мумкин ва ниҳоят, қисқа муддатли қарзларнинг қанча қисмини активларнинг энг ликвидли қиймати – пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар билан қоплаш мумкинлигини аниқлаш имконини беради. Жорий ликвидлилик коэффициенти Ўзбекистон шароитида камида 1,25 даражасида бўлиши лозим. Мутлақ ликвидлилик ва жорий ликвидлилик коэффициентлари корхоналарда жорий мажбуриятларни бажариш учун айланма активларнинг етарлилигини аниқлашда муҳим аҳамият қасб этади. Корхоналар ликвидлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш молиявий хавфсизликни таҳлил этишнинг энг асосий бўғини ҳисобланиб, улар корхоналарнинг мустаҳкам фаолият юритиши, уларнинг иқтисодий ночорлик аломатлари ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларини аниқлашга ёрдам беради.

Мутлақ ликвидлилик ва жорий ликвидлилик коэффициентлари корхоналарда жорий мажбуриятларни бажариш учун айланма активларнинг

старлилигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Корхоналар ликвидлилигини баҳолаш ва таҳлил қилиш молиявий хавфсизликни таҳлил этишнинг энг асосий бўғини ҳисобланиб, улар корхоналарнинг мустаҳкам фаолият юритиши, уларнинг иқтисодий ночорлик аломатлари ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларини аниқлашга ёрдам беради.

**Молиявий мустақиллик коэффициенти** (ММК) корхонанинг ўз капитали билан қопланган активларнинг улушкини кўрсатади ва қуидагича аниқланади:

### **ММК = Ўз маблағлар манбалари : Баланс активи**

Инвесторлар ушбу коэффициентнинг қийматига эътибор қаратишади. Амалиётда кўрсаткичнинг меъёрий қийматининг энг пастки чегараси 0,5 қабул қилинган. Коэффициентнинг юқорилиги корхонанинг молиявий барқарор ҳолатда ва ташқи кредиторлардан мустақил эканлигини англатади.

**Молиявий левераж коэффициенти** (МЛК) корхонанинг ўз капиталидан фойдаланиш самарадорлигини тафсифлайди ва қуидагича аниқланади:

### **МЛК = Ўз капитали : Қарз мажбуриятлари**

Ушбу коэффициентнинг юқори даражаси корхоналарнинг қарз маблағларига тобелик ҳолатини акс эттиради. Айни дамда у молиявий дастак самараси орқали ўз маблағлари рентабеллигига таъсир кўрсатади ва молиявий хатар даражасини баҳолашда қўлланилади, яъни молиявий қарамлик даражасини белгилайди. Кўрсаткич даражаси активлар таркиби, улардан фойдаланиш самарадорлиги, даромадлилиги ва корхонанинг ихтисослашувига бевосита боғлиқ.

**Ўз капитали рентабеллиги коэффициенти** (return on equity, ROE) корхонанинг капиталига нисбатан соф фойдасининг улушкини кўрсатади ва қуидаги формула билан аниқланади:

### **ЎКРК = Соф фойда / Ўз капитали**

Бу корхона учун муҳим молиявий кўрсаткич ҳисобланиб, ҳар қандай сармоядорга, бизнес эгасига, бизнесга киритган сармоясидан қанчалик самарали фойдаланганлигини кўрсатади.

**Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти** корхонанинг жорий (операцион) фаолиятини молиялаштириш учун зарур бўлган ўз маблағлари етарлилигини кўрсатади ва қўйидагича аниқланади:

$$\text{ЎАМ} = \text{Ўз маблағлари : Жорий активлар}$$

Ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражаси 0,1 дан катта бўлиши лозим. **Дивидендли даромад коэффициенти (ДДК)** – битта акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдорини кўрсатади ва қўйидагича ҳисобланади:

$$\text{ДДК} = \text{Тўланган дивиденлар / устав капитали}$$

Ушбу коэффициент юқорилиги ижобий ҳолат ҳисобланади. Агар дивиденли даромад коэффициенти 0,15 (15%)дан кичик бўлса, акциядорлик жамияти активларини фонд бозорига самарали жойлаштира олмаётганлигидан далолат беради. Натижада, инвесторлар ўртасида норозичилик пайдо бўлиши мумкин. Акс ҳолда, 0,15 (15%)дан юқори бўлса, акцияларнинг бозор баҳоси ошаётганлигини кўрсатади.

**Дивиденди тўлаш қобилияти коэффициенти (ДТҚК)** – бу дивиденлар шаклида акциядорларга тўланган фойданинг улуши ҳисобланади ва қўйидагича ҳисобланади:

$$\text{ДТҚК} = \text{Тўланган дивиденлар / соғ фойда}$$

Ушбу кўрсаткич акциядорлик жамияти пул резервларини жамғариш ёки қарзларини сўндириш (тўлаш), ривожланиши учун қайта инвестициялаш мақсадида компания ўз пул маблағларининг қандай қисмини акциядорларга тўлаши хақида тасаввур беради. Энг асосийси, бу коэффициент компаниянинг етуклиқ даражасини кўрсатади. Ушбу коэффициент корхона дивиденд барқарорлигини баҳолашда муҳимдир. Кўрсаткич қанча кичик бўлса,

компания пулни кўпроқ қисмини ривожланиш учун сарфлайди, янги маҳсулотлар ва янги бозорларни ўзлаштиради. Агар коэффициент:

0,4 (40%)-0,7 (70%) оралиғида бўлса, оптимал қиймат;

0,4 (40%) дан кичик бўлса, инвесторлар учун фойдасиз;

0,7 (70%) дан катта бўлса, компания учун фойдасиз.

Масалан, агар қўрсаткич 1 (100%) дан ошса, у ҳолда компания маблағ топишидан кўра, кўпроқ пул тўлаётганлигидан далолат беради. Қиймати 0,7 (70%) бўлиши фойданинг катта қисми хавфли тўловлар учун сарфланишини билдиради.

Дивиденди тўлаш қобилияти коэффициентининг 0,4 (40%)-0,7 (70 %) оралиқдаги даражада бўлиши корхоналарнинг акцияларига инвестиция қилиш самарали эканлигини кўрсатади.

**P/E коэффициент** акциядорлик жамиятлари акцияларининг бозор боҳосини бир акциядаги йиллик даромадига нисбатига тенг бўлган молиявий қўрсаткич ҳисобланади ва қуйидагича топилади:

$$\frac{P}{E} = \frac{P}{EPS}$$

Бу ерда

P – акциянинг бозор баҳоси,

$$EPS = \frac{\text{(соф фойда – ҳар бир акцияга тўланган дивиденд)}}{\text{акциялар сони}}$$

Ушбу қўрсаткич акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини қиёсий баҳолашда фойдаланиладиган асосий қўрсаткичлардан биридир. Коэффициентнинг кичик қиймати шуни қўрсатадики, компаниянинг фойдаси бозорда ушбу коэффициент каттароқ бўлган бошқа компаниянинг фойдасидан арzonроқ баҳоланади. Коэффициентнинг сезиларли камчилиги сифатида, унинг бухгалтерия ҳисботида зарап акс эттирилган компанияига нисбатан кўллаш

мумкин эмаслигидир, чунки бунда компаниянинг қиймати манфий бўлади. Коэффициентнинг оптимал даражаси 12-15 оралиғида бўлиши лозим.

**P/B** коэффициент акциядорлик жамиятлари акцияларининг бозор баҳосини бир дона акциядаги баланс қийматига нисбати орқали қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$\frac{P}{B} = \frac{\text{акциянинг бозор қиймати}}{\text{акциянинг баланс қиймати}}$$

Ушбу қўрсаткич акциядорлик жамиятларининг акцияларини бозор қиймати баланс қиймати билан боғлиқлигини ҳамда акциядорлик жамиятини акцияларини ликивидлилик даражасини ва жозибадорлигини кўрсатади. Унинг оптимал даражаси 1-2 оралиғида бўлиши лозим.

### **Биринчи боб бўйича хуросалар**

Акциядорлик жамиятлари молиявий хавфсизлигини таъминлаш оид амалга оширилган илмий ва назарий изланишга асосланган ҳолда тадқиқот ишимизнинг биринчи боби бўйича қўйидаги илмий ва назарий хуросаларни шакллантиридик.

1. Молиявий хавфсизлик муаммоси хозирги кунда долзарб ҳисобланиб, акциядорлик жамиятлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар компаниянинг бош молиявий стратегиясини ишлаб чиқишида молиявий хавфсизликни нуқтаи назаридан ёндашишлари талаб этилади. Чунки айнан молиявий барқарорликка эришиш акциядорлик жамият молиявий хавфсизлигининг зарурый шарти ҳисобланади ва аксинча, молиявий хавфсизликка фақат акциядорлик жамият молиявий барқарорликка эришган ҳолдагина эришиш мумкин.

2. Акциядорлик жамиятнинг ўз капитали қийматлари ва унинг бозор капиталлашуви қўрсаткичларини таққослаш муҳим ҳисобланади. Ушбу қўрсаткичлар ўртасидаги катта тафовутнинг мавжудлиги акциядорлик жамият

акцияларининг етарли даражада баҳоланмаганлиги ёки ортиқча баҳоланганигидан далолат беради. Биринчи ҳолатда акциядорлик жамият кўшиб олиш учун жозибали обьект бўлиши мумкин ёки унинг ҳолати менежерларнинг самарасиз фаолиятидан келиб чиқиб, бунинг оқибатида корпорация етарли инвестицион ресурслар билан таъминланмаслиги ёки улар акциядорлик жамият учун ноқулай шартларда жалб қилиниши мумкин. Иккинчи ҳолатда акцияларнинг ортиқча баҳоланганигиги компаниянинг молиявий қийинчилекларини яширишга хизмат қилиши мумкин. Бу эса, молиявий хавфсизликни таъминлаш жиҳатидан салбий ҳолат ҳисобланади ва ҳатто, акциядорлик жамиятни банкрот бўлишига олиб келиши мумкин.

3. Акциядорлик жамияти молиявий хавфсизлигини баҳолаш молиявий хавфсизликни белгилаб берадиган кўрсаткичлар йиғиндисининг интеграциясига асосланади. Бунда кўрсаткичлар интеграциясининг бир нечта даражаси ва уларни таҳлил қилишнинг кластерли ва кўп ўлчамли таҳлили каби усуллардан фойдаланилади. Бундай ёндашув математик таҳлилдан фойдаланган ҳолда амалга оширилган таҳлилнинг мураккаблик даражасини юқорилиги билан ажралиб туради.

4. Акциядорлик жамиятнинг қарзларни қоплаш ёки ўз маблағлари ҳисобига ривожланиш имконияти бўлса, қарз маблағларни ҳаддан ташқари сустеъмол қилишдан қочиш керак, чунки улардан керагидан ортиқ фойдаланиш баланс тўловлари ва ликвидлиликни пасайтириш ҳамда келгусида банкротга олиб келиши мумкин. Бу ҳолат мулкни йўқотиш рискини юзага келтиради (акциядорлик жамият қарзлари ва акцияларини мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳамкорлар томонидан сотиб олиш). Ҳозирги шароитларда, турли рискларни ҳисобга олиб, қарз капитали/ўз капитали нисбати 30/70ни ташкил қилиши лозим.

5. Акциядорлик жамиятининг молиявий хавфсизлик мезони деганда,

акциядорлик жамият молиявий хавфсизлика эканлиги ҳақида улар асосида хулоса чиқариш мумкин бўлган белги ёки белгилар йифиндиси тушунилади. Бундай мезон акциядорлик жамият молиявий хавфсизлиги мавжудлигини қайд қилишдан ташқари унинг даражасини баҳолаши ҳам лозим. Молиявий хавфсизлик даражасининг миқдорий баҳосини акциядорлик жамият фаолиятини режалаштириш, ҳисобга олиш ва таҳлил қилишда фойдаланиладиган кўрсаткичлар ёрдамида олиш мақсадга мувофиқ бўлиб, ушбу баҳолашдан амалий фойдаланиш учун шарт-шароит ҳисобланади.

6. Акциядорлик жамиятнинг хавфсизлиги ҳолатини индикторлар тизими орқали баҳолашда, ликвидлилик коэффициенти, жорий ликвидлилик коэффициенти, молиявий левераж коэффициенти, ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти, ўз капитали рентабеллиги коэффициенти (ROE), молиявий мустақиллик коэффициенти, дивиденди даромад коэффициенти, дивиденди тўлаш қобилияти коэффициенти, Р/Е коэффициенти ва Р/В коэффициентлар орқали баҳолашни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, мазкур коэффициентлар орқали акциядорлик жамиятнинг моливий хавфсизлигини ҳолати баҳолашда молиявий ҳолат билан боғлиқ ташқи ва ички рискларни даражасини ҳамда қай даражаса эканлиги ҳисоблаш имконияти беради.

7. Акциядорлик жамиятларни молиявий хавфсизликнинг ички ва ташқи омилларини ҳисобга олиб, молиявий кўрсаткичларга асосланган ҳолда, акциядорлик жамиятнинг умумий бош стратегиясида ҳисобга олинадиган акциядорлик жамият молиявий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш зарурати юзага келади. Шунингдек, акциядорлик жамиятини молиявий хавфсизлик даражасининг сифатини ошириш учун жамиятнинг молиявий ҳолатини доимий кузатиб бориш, ишларнинг айни пайтдаги боришини билиш учун энг муҳим молиявий-иктисодий кўрсаткичларни мунтазам таҳлил қилиш

ЛОЗИМ.

8. Молиявий хавфсизлик акциядорлик жамиятнинг молиявий ҳолати билан боғлиқ рискларни ва мазкур рискларга қанчалик бардош бериш қобилиятини кўрсатадиган ҳолат ҳисобланади. Молиявий хавфсизликни бошқариш акциядорлик жамиятлар ҳолатини диагностика қилиш ва назорат қилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабат ҳисобланлади.

## **2-БОБ. Ўзбекистон акциядорлик жамиятларини молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг ҳозирги ҳолати**

### **2.1. Ўзбекистон акциядорлик жамиятларини молиявий ҳолати таҳлили**

Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаёттган изчил ислоҳотлар бошқа соҳалар каби акциядорлик жамиятларининг ҳолатини барқарорлиги ривожланишига асос бўлмоқда. Унинг ривожланиш қонуниятлари ва хусусиятлари ўтиш даврига мансуб бўлган Ўзбекистоннинг танлаган ривожланиш моделига асосланган. Ўзбекистоннинг иқтисодиётини янада ривожлантиришнинг устивор йўналишлари сифатида белгиланган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инвестицияларни жалб қилиш ва саноат жиҳатидан ўсишни таъминлашда акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати муҳим роли катта аҳамиятга эга. Чунки, жаҳон амалиётидан маълумки, айнан акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳолати миллий иқтисодиётнинг халқаро миқёсда рақобатбардошлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун инвестицияларни жалб қилиш, реал секторни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда ва умуман иқтисодиётда барқарор ўсишни рағбатлантириш мақсадида молиявий ресурсларни жалб қилишнинг самарали механизмидир.

Ҳозирги кунда акциядорлик жамиятларини ривожланишини ривожланиши янги босқичга кўтарилиган бўлиб, бунда мамлакатда амалга оширилаётган бир қатор иқтисодий ислоҳотлар таъсири ижобий бўлмоқда. Бироқ, Ўзбекистонда акциядорлик жамиятини молиявий ҳолатини барқарорлигини таъминлашдаги муаммолари ҳали ўз илмий ва амалий ечимини тўла равишда топгани йўқ. Бизнинг назаримизда мазкур муаммоларни ҳал қилишда акциядорлик жамиятларини молиявий ҳолати

тўлиқ равища таҳлил қилинматганлиги ҳисобланади. Чунки, жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, юқоридаги муаммоларни ҳал қилишнинг асосий механизмларидан бири акциядорлик жамиятлари ҳамон давлат улуши юқори бўлиб, сақланиб қолганлиги ҳисобланади.

Афсуски, айни пайтда, Ўзбекистон Республикасидаги акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати иқтисодиётимизга чамбарчас боғланган ҳисобланади. Илмий ишимизда мамалакатимиздаги фаолият юритаётган “Кварц” ва “Каттақўргон ёғ-мой” АЖнинг акциядорлик жамиятларини молиявий ҳолати таҳлили қилинди (2.1.1-жадвал)

### 2.1.1-жадвал

#### **Акциядорлик жамиятларини молиявий ҳолати таҳлили<sup>21</sup>**

<b>“Кварц” АЖ</b>						
<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2015й</b>	<b>2016й</b>	<b>2017й</b>	<b>2018й</b>	<b>2019й</b>	<b>2020й</b>
Маҳсулот сотишдан соф тушум (млрд.сўмда)	162	235	303	300	247	308
Соф фойда (млрд. сўмда)	21	56	88	82	35	47
Активлари (млрд. сўмда)	125	185	270	314	460	914
Мажбуриятлари (млрд. сўмда)	14	22	42	12	123	561
Капитали (млрд. сўмда)	112	162	228	302	337	353
<b>“Каттақўргон ёғ-мой” АЖ</b>						
Маҳсулот сотишдан соф тушум (млрд.сўмда)	68,9	90,7	102,7	130,4	188,4	166
Соф фойда (млрд. сўмда)	8,7	12,5	9,4	22,6	1,9	20,4

<sup>21</sup> “Кварц” ва “Каттақўргон ёғ-мой” молиявий ҳисбот кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Активлари (млрд. сўмда)	40,9	47,2	59,4	83,9	99,3	81,5
Мажбуриятлари (млрд. сўмда)	9	6,6	14,6	16,8	40,8	43,4
Капитали (млрд. сўмда)	31,9	40,6	44,8	67,1	58,5	38,1

2.1.1-жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики маълумотлардан кўриниб турибдики “Кварц” АЖнинг маҳсулот сотищдан тушган соф тушуми 2015 йилга нисбатан 2020 йилда деярли 2 баробарга ўсган. Соф фойдаси эса, 2020 йилда 2015 йилга нисбатан 123 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, 2015 йилда активларининг мажбуриятларига нисбати деярли 9 баробарга кўп бўлган бўлса, 2020 йилда эса, мазкур кўрсаткичлар нисбати 1,6 баробар эканлигини кўрсатади. Бунинг асосий сабабларидан бири, акциядорлик жамияти маҳсулотлари бозордаги нархларининг тушиши оқибатида маҳсулотларнинг сотилмаслигига олиб келган.

“Каттакўрғон ёғ-мой” АЖ маҳсулот сотищдан тушган соф тушими 2015 йилда 68,9 млрд. сўмдан 2020 йилда 166 млрд. сўмга етган. Соф фойдаси эса, ушбу даврда деярли 2,4 баробарга кўпайган. Жумладан, 2015 йилда акциядорлик жамиятининг активлари мажбуриятларига нисбатан 454,4 фоизга кўп бўлса, 2020 йилда эса, ушбу нисбат 187,8 фоизга кўплигини кўрсатди. Ўз навбатида, таҳлил қилинаётган йиллар кесимида акциядорлик жамиятининг мажбуриятлари ортиб бораётган бир вақтда, унинг капитали 2020 йилда 2015 йилга нисбатан 1,2 баробарга ошган. Бу, ўз навбатида, акциядорлик жамиятини капитал қиймати йилдан-йилга ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Шунингдек, тадқиқотимизда танланган акциядорлик жамиятларининг фойдаси таҳлилини алоҳида келтирилган ҳолда амалга оширамиз. “Кварц” акциядорлик жамиятнинг фойдасини таҳлили қуйидаги жадвалда келтирилган (2.1.2-жадвал).

## “Кварц” АЖНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИ КҮРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Кўрсаткичлар	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й
Махсулотларни сотишдан соф тушум (млрд.сўмда)	162	235	303	300	247	307
Сотилган махсулотларнинг таннархи (млрд.сўмда)	111	134	140	169	164	220
Махсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (млрд.сўмда)	50	101	163	131	82	87
Давр харажатлари (млрд.сўмда)	28	30	48	58	77	52
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари (млрд.сўмда)	1	3	3	3	4	11
EBITDA (Фоизлар, солиқлар ва асосий воситалар эскириши қийматидан олдинги фойда) (млрд.сўмда)	32	83	126	87	20	65
Эскириш суммаси (млрд.сўмда)	9	9	9	11	10	19
ЕБИТ Фоизлар ва солиқлардан олдинги фойда (млрд.сўмда)	23	74	117	76	10	46
Молиявий даромадлари (млрд.сўмда)	0	4	29	16	28	110
Молиявий харажатлар (млрд.сўмда)	0	1	35	1	15	99
Солиқ тўлангунча фойда (млрд.сўмда)	25	77	111	91	23	57
Соф фойда (млрд.сўмда)	21	65	94	83	20	47

2.1.2-жадвал жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, “Кварц” АЖНИНГ махсулотларни сотишдан соф тушум 2015 йилда 162 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб деярли 2 барабарга ўсганлиги кўришимиз мумкин. Бундан кўриниб турибдики, акциядорлик жамияти

йилдан-йилга ишлаб чиқариш ҳажмини оширмоқда. Шу билан бирга, “Кварц” АЖнинг сотилган маҳсулотларнинг таннархи 2015 йилда 111 млрд.сўм бўлган бўлса, 2020 йилда 220 млрд.сўмни ташкил этган. Шунингдек, маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси 2015 йилга нисбатан 2020 йил 74 фоизга ошган ҳисобланади. Бироқ, “Кварц” АЖнинг маҳсулот ишлаб чиқаришда таннархни йилдан-йилга ошиб боришига давр харажатлари кескин ортиши сабаб бўлмоқда. “Кварц” АЖнинг давр харажатлари 2015 йилда 28 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб деярли икки баробарга ўстанлиги кўришимиз мумкин. Акциядорлик жамиятининг асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари эса, 2020 йилда 2015 йилга нисбатан 11 баробарга ортган. Бунга асосий сабаб, маҳсулот ишлаб чиқариш кескин ортиши ва маҳсулот сотиш рентабиллик даражаси ялпи фойда рентабилиги 26,2 фоизга ҳамда соф фойда бўйича рентабиллик даражаси эса, 11,4 фоизга ўстанлиги билан ифодалаш мумкин. Фоизлар, солиқлар ва асосий воситалар эскириши қийматидан олдинги фойда 2015 йилда 32 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда эса, 65 млрд.сўм ташкил этган. Асосий ишлаб чиқаришга ижтироқ этадиган асосий воситаларнинг эскириши 2015 йилда 9 млрд.сўмга етган бўлса, 2020 йилда эса, 2 бараборга ўстан. Бундан кўриниб турибдик, маҳсулот ишлаб чиқаришга асосий воситалар эскириши ҳам таъсир қилмоқда. Ўз навбатида, мазкур кўрсаткич акциядорлик жамиятини ЕВИТ Фоизлар ва солиқлардан олдинги фойда кўрсаткичини камайишига олиб келган. Бундан ташқари, молиявий фаолиятдан олинган даромадлари 2015 йилда бўлмаган бўлмаса, 2020 йилда 110 млрд.сўмга етган. Молиявий фаолиятдан олинган харажатлар эса, 2020 йилда 99 млрд.сўмни ташкил этган. Бу эса, ўз навбатида, акциядорлик жамиятларни маҳсулотни ишлаб чиқаришда валютада олинган яrim тайёр маҳсулотларининг мавжулиги молиявий фоалиятдан олинган харажатларни ортиб кетишига олиб келмоқда. Акциядорлик жамиятини солиқ тўлангунча

фойдаси 2015 йилда 25 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, соф фойда 21 млрд.сўмга етган. 2020 йилда эса, солик тўлангунча фойдаси 57 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, соф фойда 21 млрд.сўмни ташкил этган. Бундан кўриниб турибди, “Кварц” АЖи солик тўлови учун қилинадиган харажатлар 2015 йилда 4 млрд.сўм бўлса, 2020 йилга 2,5 баробарга ошганлиги кўрсатади. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, , “Кварц” АЖ молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳолати яхши ҳисобланади, чунки таҳлил қилинган кўрсаткичларини деярли хаммаси ўсиб борувчи тенденция эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, тадқиқотимизда “Каттақўргон ёғ-мой” АЖ молиявий натижаларини кўрсаткичлари таҳлили қуйидаги жадвалда келтирилган (2.1.3-жадвал).

### **“Каттақўргон ёғ-мой” АЖ нинг молиявий натижаларини кўрсаткичлари таҳлили**

Кўрсаткичлар	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й
Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	68	90	102	130	188	180
Сотилган маҳсулотларнинг таннаҳи	49	62	76	82	167	176
Маҳсулотларни сотишининг ялпи фойдаси (зарари)	19	28	26	48	21	4
Давр харажатлари	9	13	14	18	15	2
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	0,1	0,3	0,5	0,6	0,7	1,4

EBITDA (Фоизлар, солиқлар ва асосий воситалар эскириши қийматидан олдинги фойда)	11	17	14	38	10	14
Эскириш суммаси	1	1,4	2	7,6	3,6	10,5
ЕВІТ Фоизлар ва солиқлардан олдинги фойда	10	15	13	30,6	7	3,4
Молиявий даромадлари	0,7	0,5	2	1,1	1,1	2,6
Молиявий харажатлар	0,1	1,5	3	4,9	5,0	3
Солиқ тұланғунча фойда	11	14,3	11,5	26,8	2,8	3,2
Соф фойда	9	12,5	9,4	22,4	1,9	0,4

2.1.2-жадвал жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖнинг маҳсулотларни сотишдан соф тушум 2015 йилда 68 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб деярли 2,6 барабарга ўсганлиги кўришимиз мумкин. Бундан кўриниб турибдики, акциядорлик жамияти йилдан-йилга ишлаб чиқариш ҳажмини оширмоқда. Шу билан бирга, “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖнинг сотилган маҳсулотларнинг таннархи 2015 йилда 49 млрд.сўм бўлган бўлса, 2020 йилда 176 млрд.сўмни ташкил этган. Шунингдек, маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси 2015 йилга нисбатан 2020 йил деярли 5 баробарга камайган. Сабаби, “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖнинг маҳсулот ишлаб чиқаришда таннархни йилдан-йилга ошиб бориши сабаб бўлмоқада. Шунинг акциядорлик жамиятини давр харажатлари кескин камайиб кетишини таҳлилимиз кўрсатади. “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖнинг давр харажатлари 2015 йилда 9 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб деярли 4 баробарга камайганлиги кўришимиз мумкин. Бунинг

асосий сабаби, маҳсулот сотиш билан боғлиқ харажатлар, бошқарувч харожатлар ва бошқа операцион харожатларни кескин камайиб кетиши ҳисобланади. Акциядорлик жамиятининг асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари эса, 2020 йилда 2015 йилга нисбатан 14 баробарга ортган. Бунга асосий сабаб, маҳсулот ишлаб чиқариш кескин ортиши ва маҳсулот сотиш рентабиллик даражаси ялпи фойда рентабилиги 29,2 фоизга ўсганлиги билан ифодалаш мумкин. Фоизлар, солиқлар ва асосий воситалар эскириши қийматидан олдинги фойда 2015 йилда 11 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда эса, 14 млрд.сўм ташкил этган. Асосий ишлаб чиқаришга иштирок этадиган асосий воситаларнинг эскириши 2015 йилда 1 млрд.сўмга етган бўлса, 2020 йилда эса, 10,5 бараборга ўсган. Бундан кўриниб турибдик, маҳсулот ишлаб чиқаришга асосий воситалар эскириши ҳам таъсир қилмоқда. Ўз навбатида, мазкур кўрсаткич акциядорлик жамиятини ЕВИТ Фоизлар ва солиқлардан олдинги фойда кўрсаткичини камайишига олиб келган. Бундан ташқари, молиявий фаолиятдан олинган даромадлари 2015 йилда бўлмаган бўлмаса, 2020 йилда 3,4 млрд.сўмга етган. Молиявий фаолиятдан олинган харожатлар эса, 2020 йилда 2,6 млрд.сўмни ташкил этган. Бу эса, ўз навбатида, акциядорлик жамиятларни маҳсулотни ишлаб чиқаришда валютада олинган яrim тайёр маҳсулотларининг мавжулиги молиявий фаолиятдан олинган харожатларни ортиб кетишига олиб келмоқда. Акциядорлик жамиятини солиқ тўлангунча фойдаси 2015 йилда 11 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, соф фойда 9 млрд.сўмга етган. 2020 йилда эса, солиқ тўлангунча фойдаси 3,2 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, соф фойда 0,4 млрд.сўмни ташкил этган. Бундан кўриниб турибди, “Кварц” АЖи солиқ тўлови учун қилинадиган харожатлар 2015 йилда 2 млрд.сўм бўлса, 2020 йилга 1,4 барабарга ошганлиги кўрсатади. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖнинг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳолати яхши ҳисобланади,

чунки таҳлил қилинган кўрсаткичларини деярли хаммаси ўсиб борувчи тенденция эга эканлигини қўришимиз мумкин.

## **2.2. Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари молиявий хавфсизлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш.**

Бугунги кунда мамлакат иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлигини таъминлаш эса, мамлакатимиз капитал бозорини жадал ривожланишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Глобаллашув шароитида акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳолатини баҳолашда молиявий хавфсизлик индикаторларни муҳим рўл ўйнайди. Сабаби, жаҳон миқиёсида капитал бозор орқали инвестиция ҳажмини ортиши натижасида акциядорлик жамиятларидағи молиявий оқимларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланишини таъминланмоқда. Бу эса, ўз навбатида акциядорлик жамиятларини моливий ҳолатини баҳолаш билан боғлиқ индикторларни тизимини ва моливий таъминлаш бугунги куннинг долзар масаласи бўлиб келмоқда.

Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гурӯхлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули ёрдамида акциядорлик жамиятиларини молиявий хавфсизлик ҳолатини индикторлар ёрдамида баҳолаш, шунингдек индикатор кўрсаткичлари акциядорлик жамиятларида таққослама таҳлил қилишдан иборат. Тадқиқот методида қуйидаги коэффициентлар орқали акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлик ҳолати таҳлил қилинган (2.2.1-жадвал).

**Акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлик ҳолатини баҳоловчи индиктор кўрсаткичлари<sup>22</sup>**

№	Кўрсаткичнинг номи	Ҳисоблаш усули	Оптимал даражা
1	Мутлақ ликвидлилик коэффициенти	(Пул маблағлари + Қисқа муддатли молиявий инвестициялар) / Қисқа муддатли мажбуриятлар	min 0,2
2	Жорий ликвидлилик коэффициенти	Жорий активлар/жорий пассивлар	min 1,25
3	Молиявий левераж коэффициенти	Ўз капитали/Қарз мажбуриятлари	min 0,25
4	Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	Жорий активлар / Ўз маблағлар манбалари	min 0,1
5	Ўз капитали рентабеллиги коэффициенти (ROE)	Соф фойда / Ўз капитали	min 0,15
6	Молиявий мустақиллик коэффициенти	Ўз маблағлар манбалари / Баланс активи	min 0,5 (оптимал даражаси 0,65-0,75)
7	Дивиденсли даромад коэффициенти	Тўланган дивиденлар / устав капитали	min 0,15
8	Дивидендни тўлаш қобилияти коэффициенти	Тўланган дивиденлар / соф фойда	1 (оптимал даражаси 0,4-0,7)

<sup>22</sup> Муаллиф томонилан ишлаб чиқилган.

9	Р/Е коэффициент	Акциянинг бозор баҳоси / ((соф фойда — хар бир акцияга тўланган дивиденд)/акциялар сони)	Оптимал даражада 12-15
10	Р/В коэффициент	Акциянинг бозор баҳоси / Акциянинг баланс қиймати	Оптимал даражада 1-2

2.2.1-жадвал кўрсаткичларини тавсифи ва меъёрий даражаларини келтириб ўтганмиз.

Мутлақ ликвидлилик коэффициенти (МуЛК) акциядорлик жамияти ликвидилигининг асосий мезони ҳисобланади ва қуйидагича топилади:

$$\text{МуЛК} = (\text{Пул маблағлари} + \text{Қисқа муддатли молиявий инвестициялар}) / \text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}$$

Ушбу коэффициенти қисқа муддатли мажбуриятларнинг қай қисми тезда мавжуд пул маблағлари ва тез сотиладиган қимматли қоғозлар ҳисобига қайталишини белгилаб беради.

Меъёрий қиймати 0,2 дан юқори (оптимал қиймат 0,2-0,35) бўлади, мутлақ ликвидлиликнинг бундай қиймати корхона томонидан 20-35% қисқа муддатли мажбуриятлар пул маблағлари ҳисобига тезкор қайталишини билдиради.

Жорий ликвидлилик коэффициенти (ЖЛК) қисқа муддатли мажбуриятларни бажариш учун айланма активларнинг етарлилигини кўрсатади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{ЖЛК} = \text{Жорий активлар} / \text{Жорий пассивлар}$$

Ушбу коэффициент корхонанинг барча айланма активлари мавжуд қисқа муддатли қарзларни қай даражада қоплайди; ушбу қарзни моддий айланма маблағларни жалб қиласдан туриб қай даражада қоплаш мумкин ва

ниҳоят, қисқа муддатли қарзларнинг қанча қисмини активларнинг энг ликвидли қиймати – пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар билан қоплаш мумкинлигини аниқлаш имконини беради. Жорий ликвидлилик коэффициенти Ўзбекистон шароитида камида 1,25 даражасида бўлиши лозим.

Мутлақ ликвидлилик ва жорий ликвидлилик коэффициентлари корхоналарда жорий мажбуриятларни бажариш учун айланма активларнинг етарлилигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Корхоналар ликвидлилигини баҳолаш ва таҳлил қилиш молиявий хавфсизликни таҳлил этишининг энг асосий бўгини ҳисобланиб, улар корхоналарнинг мустаҳкам фаолият юритиши, уларнинг иқтисодий ночорлик аломатлари ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларини аниқлашга ёрдам беради.

Молиявий мустақиллик коэффициенти (ММК) корхонанинг ўз капитали билан қопланган активларнинг улушини кўрсатади ва қуидагича аниқланади:

$$\text{ММК} = \frac{\text{Ўз маблағлар манбалари}}{\text{Баланс активи}}$$

Инвесторлар ушбу коэффициентнинг қийматига эътибор қаратишади. Амалиётда кўрсаткичнинг меъёрий қийматининг энг пастки чегараси 0,5 қабул қилинган. Коэффициентнинг юқорилиги корхонанинг молиявий барқарор ҳолатда ва ташқи кредиторлардан мустақил эканлигини англаатади.

Молиявий левераж коэффициенти (МЛК) корхонанинг ўз капиталидан фойдаланиш самарадорлигини тафсифлайди ва қуидагича аниқланади:

$$\text{МЛК} = \frac{\text{Ўз капитали}}{\text{Қарз мажбуриятлари}}$$

Ушбу коэффициентнинг юқори даражаси корхоналарнинг қарз маблағларига тобелик ҳолатини акс эттиради. Айни дамда у молиявий дастак самараси орқали ўз маблағлари рентабеллигига таъсир кўрсатади ва молиявий хатар даражасини баҳолашда қўлланилади, яъни молиявий қарамлик даражасини белгилайди. Кўрсаткич даражаси активлар таркиби, улардан

фойдаланиш самарадорлиги, даромадлилиги ва корхонанинг ихтисослашувига бевосита боғлиқ.

Ўз капитали рентабеллиги коэффициенти (return on equity, ROE) корхонанинг капиталига нисбатан соф фойдасининг улушкини кўрсатади ва қуидаги формула билан аниқланади:

$$\text{ЎКРК} = \text{Соф фойда} / \text{Ўз капитали}$$

Бу корхона учун муҳим молиявий кўрсаткич ҳисобланиб, ҳар қандай сармоядорга, бизнес эгасига, бизнесга киритган сармоясидан қанчалик самарали фойдаланганлигини кўрсатади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти корхонанинг жорий (операцион) фаолиятини молиялаштириш учун зарур бўлган ўз маблағлари етарлилигини кўрсатади ва қуидагича аниқланади:

$$\text{ЎАМ} = \text{Ўз маблағлари}/\text{Жорий активлар}$$

Ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражаси 0,1 дан катта бўлиши лозим.

Дивиденди даромад коэффициенти (ДДК) – битта акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдорини кўрсатади ва қуидагича ҳисобланади:

$$\text{ДДК} = \text{Тўланган дивиденлар} / \text{устав капитали}$$

Ушбу коэффициент юқорилиги ижобий ҳолат ҳисобланади. Агар дивиденди даромад коэффициенти 0,15 (15%)дан кичик бўлса, акциядорлик жамияти активларини фонд бозорига самарали жойлаштира олмаётганлигидан далолат беради. Натижада, инвесторлар ўртасида норозичилик пайдо бўлиши мумкин. Акс ҳолда, 0,15 (15%)дан юқори бўлса, акцияларнинг бозор баҳоси ошаётганлигини кўрсатади.

Дивиденди тўлаш қобилияти коэффициенти (ДТҚК) – бу дивиденлар шаклида акциядорларга тўланган фойданинг улushi ҳисобланади ва қуидагича ҳисобланади:

$$\text{ДТҚК} = \text{Тўланган дивиденлар} / \text{соф фойда}$$

Ушбу күрсаткич акциядорлик жамияти пул резервларини жамғариш ёки қарзларини сұндириш (тұлаш), ривожланиши учун қайта инвестициялаш мақсадида компания үз пул маблағларининг қандай қисмини акциядорларга тұлаши ҳақида тасаввур беради.

Энг асосийси, бу коэффициент компаниянинг етуклик даражасини күрсатади. Ушбу коэффициент корхона дивиденд барқарорлигини баҳолашда муҳимдир. Күрсаткич қанча кичик бўлса, компания пулни кўпроқ қисмини ривожланиш учун сарфлайди, янги маҳсулотлар ва янги бозорларни ўзлаштиради. Агар коэффициент:

0,4 (40%)-0,7 (70%) оралиғида бўлса, оптималь қиймат;

0,4 (40%) дан кичик бўлса, инвесторлар учун фойдасиз;

0,7 (70%) дан катта бўлса, компания учун фойдасиз. Масалан, агар күрсаткич 1 (100%) дан ошса, у ҳолда компания маблағ топишидан қўра, кўпроқ пул тўлаётганлигидан далолат беради. Қиймати 0,7 (70%) бўлиши фойданинг катта қисми хавфли тўловлар учун сарфланишини билдиради. Дивидендни тўлаш қобилияти коэффициентининг 0,4 (40%)-0,7 (70 %) оралиқдаги даражада бўлиши корхоналарнинг акцияларига инвестиция қилиш самарали эканлигини күрсатади.

P/E коэффициент акциядорлик жамиятлари акцияларининг бозор боҳосини бир акциядаги йиллик даромадига нисбатига teng бўлган молиявий күрсаткич ҳисобланади ва куйидагича топилади:

$$P/E = P/EPS$$

Бу ерда  $P$  – акциянинг бозор баҳоси,  $EPS$ =(соғ фойда – ҳар бир акцияга)/ тўланган дивиденд акциялар сони.

Ушбу күрсаткич акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини қиёсий баҳолашда фойдаланиладиган асосий күрсаткичлардан биридир. Коэффициентнинг кичик қиймати шуни

кўрсатадики, компаниянинг фойдаси бозорда ушбу коэффициент каттароқ бўлган бошқа компаниянинг фойдасидан арzonроқ баҳоланади. Коэффицентнинг сезиларли камчилиги сифатида, унинг бухгалтерия хисоботида зарар акс эттирилган компанияига нисбатан кўллаш мумкин эмаслигидир, чунки бунда компаниянинг қиймати манфий бўлади. Коэффициентнинг оптимал даражаси 12-15 оралиғида бўлиши лозим.

**P/B** коэффициент акциядорлик жамиятлари акцияларининг бозор баҳосини бир дона акциядаги баланс қийматига нисбати орқали қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$\mathbf{P/B} = \text{акциянинг бозор қиймати}/\text{акциянинг баланс қиймати}$$

Ушбу кўрсаткич акциядорлик жамиятларининг акцияларини бозор қиймати баланс қиймати билан боғлиқлигини ҳамда акциядорлик жамиятини акцияларини ликвидлилик даражасини ва жозибадорлигини кўрсатади. Унинг оптимал даражаси 1-2 оралиғида бўлиши лозим.

Юқорида кўрсатилган кўрсаткичлари орқали мамлакатимизда фаолият юритаётган “Кварц” ва “Каттақўргон ёғ-мой” АЖнинг молиявий хавфсизлик ҳолатини индикторлар орқали баҳолаймиз ва таҳлил қиласиз. Ушбу АЖларининг молиявий хавфсизлик ҳолатини беш йиллик маълумотлар асосида баҳолашни амалга оширганмиз (2.2.2-жадвал).

### **Акциядорлик жамиятларини молиявий хавфсизлик ҳолати**

#### **баҳоловчи индикторлар таҳлили<sup>23</sup>**

<b>“Кварц” АЖ</b>					
<b>Кўрсаткич номи</b>	<b>2015 й</b>	<b>2016 й</b>	<b>2017 й</b>	<b>2018 й</b>	<b>2019 й</b>
Мутлақ ликвидлилик коэффициенти	4,43	5,33	7,87	10,9	13,9

<sup>23</sup> “Кварц” ва “Каттақўргон ёғ-мой” молиявий хисобот кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Жорий ликвидилик коэффициенти	8,4	9,16	11,79	18,59	16,59
Молиявий мустақиллик коэффициенти	0,9	0,9	0,86	0,96	0,87
Молиявий левераж коэффициенти коэффициенти	9,36	9,74	13,09	6,68	1,32
Үз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	0,9	0,94	0,9	0,93	0,98
P/E коэффициент	1,3	0,73	0,97	3,5	16,68
P/B коэффициент	1,6	1,2	0,8	2,1	1,08
Үз капитали рентабеллиги коэффициенти (ROE)	0,3	0,41	0,44	0,3	6,47
Дивидендли даромад коэффициенти	0,13	0,17	0,53	0	0
Дивидендни тўлаш қобилияти коэффициенти	0,45	0,50	0,50	0	0
<b>“Каттақўргон ёғ-мой” АЖ</b>					
Мутлақ ликвидилик коэффициенти	4,29	7,27	2,06	0,89	1,89
Жорий ликвидилик коэффициенти	11,47	22,89	6,28	4,25	1,85
Молиявий мустақиллик коэффициенти	0,72	6,01	3,06	3,97	1,43
Молиявий левераж коэффициенти коэффициенти	0,88	0,75	0,85	0,85	1,25
Үз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	0,27	0,31	0,21	0,33	0,30
P/E коэффициент	0,77	0,85	0,75	1,17	0,79
P/B коэффициент	0,14	0,14	0,16	0,21	0,47
Үз капитали рентабеллиги коэффициенти (ROE)	0,35	0,24	0,37	0,19	0,15
Дивидендли даромад коэффициенти	3,76	2,20	3,55	1,16	2,63
Дивидендни тўлаш қобилияти коэффициенти	0,65	0,52	0,47	0,37	0,36

2.2.2-жадвалдаги муълумотларга кўра, “Кварц” АЖни мутлақ ликвидлилик коэффициенти 2015 йилда 4,43 ни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб 13,9 ни ташкил қилган. “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖники эса, 2015 йилда 4,29 ни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб 2,26 баробарга пасайганлигини кўриш мумкин. Бундан кўринадики, “Кварц” АЖнинг қисқа муддатли мажбуриятларини пул маблағлари ва ликвидли қимматли қоғозлари ҳисобидан қоплаш имконияти юқори ҳисобланди. Бироқ, “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖ эса, қисқа муддатли мажбуриятларини пул маблағлари ва ликвидли қимматли қоғозлари ҳисобидан қоплаш имконияти пастлигидан далолат беради. “Кварц” АЖнинг жорий ликвидлилик коэффициенти таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, 2015 йилда ушбу кўрсаткич 8,4 ни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 1,9 баробарга ўсган ҳолда 18,59 ни ташкил этмоқда. “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖнинг жорий ликвидлилик коэффициенти эса, 2019 йилда 2015 йилга нисбатан 5,9 баробарга пасайганлиги кўрсатади.

Ушбу коэффициент корхонанинг барча айланма активлари мавжуд қисқа муддатли қарзларни қай даражада қоплади; ушбу қарзни моддий айланма маблағларни жалб қилмасдан туриб қай даражада қоплаш мумкин ва ниҳоят, қисқа муддатли қарзларнинг қанча қисмини активларнинг энг ликвидли қиймати – пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар билан қоплаш мумкинлигини аниқлаш имконини беради. Жорий ликвидлилик коэффициенти Ўзбекистон шароитида камида 1,25 даражасида бўлиши лозим.

Демак, “Кварц” АЖнинг мутлақ ва жорий ликвидлилик коэффициентлари таҳлил қилинаётган йилларда меъёрий даражадан юқори бўлмоқда. Шу сабабли, ушбу коэффициентлар нуқтаи назардан акциядорлик жамиятининг молиявий хавфсизлиги таъминланган. Шунингдек, “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖнинг жорий ликвидлилик коэффициенти оптималь даражадан юқори бўлиб,

назаримизда акциядорлик жамиятининг молиявий хавфсизлиги минимум даражада таъминланганлиги кўрсатмоқда.

Молиявий мустақиллик коэффициенти 2015 йилда 0,9 ни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб 0,98 ни ташкил қилган. Ушбу коэффициентнинг меъёрий қиймати 0,5 ни эътиборга оладиган бўлсақ, “Кварц” АЖ молиявий мустақиллик коэффициенти меъёрий даражадан юқоридир. “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖ молиявий мустақиллик коэффициенти 2015 йил 0,72ни ташкил этса, 2019 йилда 1,43 ни кўрсатади. Мазкур коэффициентнинг юқори бўлиши корхона активларида ўз маблағлари манбалари улуши юқори эканидан далолат беради. Хусусан, “Кварц” АЖда активларинг 96 фоизи ўз маблағлари манбалари хисобидан шакллантирилган, қолган 4 фоиз қарз маблағлари манбаларидир. “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖ активларини хаммаси ўз маблағлари манбаидан шакланганлигидан далолат беради.

“Кварц” АЖни молиявий левераж коэффициенти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу коэффициент 2015 йилда 9,36 ни ташкил этган бўлса, 2019 йилда келиб 1,32 ни ташкил қилган. “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖники эса, 2015 йилда 0,88 ни ташкил этса, 2019 йилгада эса, 1,25 га етганлигини кўриш мумкин. Мазкур коэффицент корхона капитал таркибида қарз капитал салмоғи қанча эканлиги кўратадиган индикатор ҳисобланади. Кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан молиявий левераж коэффициенти меъёрий қиймати 0,25 қилиб белгиланган. Таҳлилимиз шуни кўрсатадики, танланган акциядорлик жамиятлари капитал таркибида қарз капитали юқори эканлигидан далолат беради. Корхона капитал таркибида қарз капитал миқдори юқори эканлиги ва корхона фаолиятининг нобарқарор эканлигидан кўрсатади.

“Кварц” АЖнинг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 2015 йилда 0,9ни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 0,98ни

ташкил қилган. Бу эса, корхонанинг ўз маблағлари манбаларида жорий активларнинг улуши 93 фоизни, қолган 7 фоизи жорий мажбуриятларга тўғри келишини қўрсатади. “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖда эса, 2015 йилда 0,27ни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 0,30ни ташкил қилган. Ўз навбатида, ўз маблағлари манбаларида жорий активларнинг улуши 30 фоизни, қолган 70 фоизи жорий мажбуриятларга тўғри келишини қўрсатади. Бу шуни англатадики, корхонанинг мажбуриятларинг юқорилиги ташқи ва ички хавсизлик таъминланмаганлиги қўрсатади.

Битта акцияга тўғри келадиган фойда коэффиценти (Р/Е коэффициент) эса, 2015 йилда 1,3ни ташкил этган ҳолда 2019 йилга келиб 16,68 га етган. Хусусан, ушбу коэффициентнинг ўсиб бориши, ҳар бир дона акцияга тўғри келадиган фойдани аниқлаш ҳамда корхонани фойдаси орқали акцияларнинг бозор қиймати аниқлаш имконияти беради. Р/Е коэффициент юқори бўлиши, корхонанинг акциялари бозор қиймати юқори эканлиги, паст бўлиши эса, корхона ацияларининг бозор қиймати паст эканлигини қўрсатади. “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖда эса, 2015 йилда 0,77ни ташкил этган ҳолда 2019 йилга келиб 0,79 га етган.

Р/Е – коэффициент акциядорлик жамиятларининг акцияларини даромадлигини таққослама таҳлил қилиш имкониятини беради. Мазкур коэффициентини қуидаги меъёрлар билан изоҳланади.

Агар  $0 < P/E < 10$  бўлса, акциядорлик жамиятларининг акцияларини бозор қиймати арzon ҳисобланиб, акциядорлик жамиятларининг соф фойдасини камайганлигини қўрсатади. Бундан ташқари, акциядорлик жамиятларининг соф фойдаги олдинги йилга нисбатан ўсишини кўрсатиб, ўз набатида, акциядорлик жамиятларининг акциялари бозор қийматини арzon сотилаётганлигидан далолат беради. Инвесторлар ушбу акцияларни сотиб

олиб узоқ муддат ушлаб турилса, юқори даромад олиш имкониятига эга бўлади .

Агар  $10 < P/E < 17$  бўлса, акциядорлик жамиятларининг акцияларининг бозор қийматиadolatli баҳоланганлиги кўрсатади. Хусусан, акциядорлик жамиятларининг акциясини бозор қиймати арzon ҳам эмас, қиммат ҳам эмаслигини кўрсатади .

Агар  $17 < P/E < 25$  бўлса, акциядорлик жамиятларининг бозор қиймати юқори баҳоланган бўлиб, охирги йилларда соф фойдани ўстанлигини кўрсатади. акциядорлик жамиятларининг акцияларини бозор қиймати ўсиши мумкинлиги кутилмоқда .

Агар  $P/E > 25$  бўлса, акциядорлик жамиятларининг соф фойдасини келажакда ўсиши мумкинлиги кутилмоқда бўлиб, мазкур акциядорлик жамиятларининг акциялари бозор қиймати спекулятив пуфак ҳосил қилиниши кутилмоқда .

Таҳлилдан кўриниб турибдики, “Кварц” АЖнинг акциялари бозор қиймати спекулятив пуфак ҳосил қилиниши кутилмоқда.

Битта акцияни баланс қиймати коэффиценти ( $P/B$  коэффицент) таҳлилидан шуни кўриш мумкинки, 2015 йилда ушбу коэффициент 1,6ни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 1,08 ни ташкил қилган.  $P/B$  коэффициент шуни кўрсатадики, акциянинг бозор баҳосини баланс қийматидан арzon ёки қимматга баҳоланаётганлиги кўрсатади. Таҳлиларимидан кўриниб турибдики, “Кварц” АЖнинг бир дона акциясининг баланс қиймати 6700 сўм бўлса, бозор қиймати эса, 3700 сўм эканлиги кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, “Кварц” АЖнинг акциясининг ўзгарувчанлиги юқори бўлиб, корхонанинг акцияларини бозор қиймати юқори баҳоланмоқда. Бунинг натижасида корхонанинг акциялари бозор қиймати билан боғлиқ хавф мавжудлиги кўрсатиб, молиявий хавфсизлиги таъминлаш тақозо этади. “Каттақўрғон ёф-

мой” АЖ эса, бир дона акциясининг баланс қиймати 3788 сўм бўлса, бозор қиймати эса мавжуд эмас ҳисобланади.

### **2.3. Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг эконометрик таҳлили**

Мамлакатимизда “Кварц” ва “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖларнинг фойдасига таъсир қилувчи коэффициентлар таъсири ўрганилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотимизда “Кварц” ва “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖларнинг фойдасига молиявий хавфсизлик таъминловчи коэффициентлар таъсир этувчи омиллар сифатида ва уларнинг корреляцион боғлиқлиги бўйича таҳлилларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ кўрдик. Тўплаган маълумотларимиз, жумладан маҳсус кўрсаткич, яъни панел маълумотларида<sup>24</sup> таҳлил қилинib, хусусан ушбу панел бирликлари сифатида маълумотлар 2015-2019 йилларда бўйича акс эттирилган. Мазкур, маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, панел маълумотлари асосида регрессион ва корреляцион таҳлилни амалган оширдик.

Панел маълумотлари асосида тузилган моделлар асосида дунё амалиётида хил икки усулда таҳлил амалга оширилади. Жумладан;

биринчиси, статистик панел модели бўлиб унга асосан вақтлараро кесимида ўзгармас таъсир ва тасодифий таъсирларни инобатга олган ҳолда, йиғма моделнинг энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб баҳоланади. Панел маълумотлари моделида регрессион таҳлил қўланиб, мазкур моделда ҳам энг кичик квадратлар усулидан фойдаланган ҳолда ҳисоблашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистонлик олимлардан бири

---

<sup>24</sup> <http://www.classes.ru/dictionary-english-russian-scienceenru-term-78341.htm>. Кўп ўлчовли вақтлар катори маълумотлари

Ш.И.Мустафақулов ўзнинг илмий ишида панел моделларини ҳисоблашда энг кичик квадратлар усулдан фойдаланиш ўринли эканлигини қўрсатган<sup>25</sup>.

Иккинчиси, динамик панел модели бўлиб, мазкур модел эрксиз ўзгарувчининг олдинги даврдаги боғлиқлигини ўрганади. Агар статистик панел моделидаги регрессион чизигидаги башорат қилинаётган эрксиз ўзгарувчи ва ҳақиқий эрксиз ўзгарувчи ўртасидаги қолдиқнинг (residual) автокорреляцияси мавжуд бўлганида, эрксиз ўзгарувчини, яъни лаг (оралик масофа) қилиш йўли билан динамик панел моделидан фойдаланилади. Тадқиқотимизда биринчи бўлиб, статистик панел моделидан фойдаланган ҳолда омиллар таъсирини регрессион таҳлилнинг энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб амалга оширишни мақсадга мувофиқ кўрдик. Панел модделнинг эконометрик кўринишини қўйидаги формулада кўришимиз мумкин.

$$Y_{it} = \beta_0 + X_{it}^I \beta + \epsilon_{it} \quad (2.3.1)$$

Бу ерда;

$i$  - танлаган обеъктлар;

$t$  - танланган йиллар;

$X_{it}^I$  - эрксиз ўзгарувчилари векторининг К-ўлчами;

$\beta_0$  - ўзгармас (intercept),  $t$  ва  $i$  боғлиқлиги ҳолда;

$\beta$  - а ( $K \times 1$ ) вектор, бурчаги (slope),  $t$  ва  $i$  боғлиқлиги ҳолда;

$\epsilon_{it}$  – хатоликлар,  $t$  ва  $i$  турлича ўзгариши.

Юқоридаги эконометрик панел моделининг энг кичик квадратлар усулидан фойдаланган ҳолда, хатоликларни мустақил ва бир хил тарзда тақсимланганлигини iid  $\epsilon_{it}(0, \sigma_\epsilon^2)$  текширишда гипотезалардан фойдаланамиз. Мазкур гипотеза фаразидан фойдаланган ҳолда, статистик панел модел

---

<sup>25</sup> Ш.И.Мустафақулов “Ўзбекистонда инвестицион мухит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш” Автореферат, Т.,2007 бет. 26

кўрсаткичларининг таҳлилини амалга оширамиз. Бундан ташқари, ўз навбатида, статистик панел моделининг кўрсаткичлари алоҳида хусусиятларини инобатга олсак, ушбу моделга  $z_i$  қўшилади. Натижада моделнинг кўриниши қўйидаги ҳолатга келади.

$$Y_{it} = \beta_0 + X_{it}^I \beta_1 + z_i^I \beta_2 + \epsilon_{it} \quad (2.3.2)$$

Одатда, тадқиқот обьекти доирасида ўрганилаётган предмет кўрсаткичлари статистик панел моделида ҳисобланганда, таҳлиллар асосан учта моделдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Мазкур моделлар қўйидагилар иборатdir;

- 1) Йиғма модел (pooled model);
- 2) Ўзгармас таъсирлар модели (Fixed effects model);
- 3) Тасодифий таъсирлар моделидан (Random effects model).

Йиғма моделнинг эконометрик формулада кўринишини юқоридаги (2.3.2) формулада кўришимиз мумкин. Ўзгармас таъсирлар моделининг эконометрик формуласини қўйидаги формулада кўришимиз мумкин.

$$Y_{it} = \alpha_i + X_{it}^I \beta + u_{it} \quad (2.3.3)$$

Бу ерда,  $\alpha_i$  алоҳида ўзгармас бўлиб, танлаган обьект учун ўзгармасдир. Мазкур моделда ҳамма ўзгармаслар одатда инобатга олинмайди. Битта ўзгармасни эркли ўзгарувчига таъсири таҳлил қилинади. Ушбу таҳлил амалга оширилаётган пайтда вақт ўзгармас фаразига таянган ҳолда, амалга оширилади. Мазкур моделнинг гипотезаси шуни кўрсатадики, хатоларнинг нормал тақсимоти ва ўзгармасларнинг алоҳида таъсирини аниқлайди. Бундан ташқари, мазкур модел энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб, максимал эҳтимолликни баҳолашни (maximum likelihood estimation) амалга оширади<sup>26</sup>.

---

<sup>26</sup> <https://stats.stackexchange.com/questions/4700/what-is-the-difference-between-fixed-effect-random-effect-and-mixed-effect-mode>

Тасодифий таъсирлар моделининг эконометрик формуласини қўйидаги формулада кўришимиз мумкин.

$$Y_{it} = \beta_0 + X_{it}^I \beta + \alpha_i + u_{it} \quad (2.3.5)$$

Бу ерда,  $\alpha_i$  дисперсия қўрсатикич бўлиб, хатоликлари бир хил тақсимланган  $\alpha_i \sim \text{iid}(0, \sigma_\alpha^2)$   $u_{it} \sim \text{iid}(0, \sigma_u^2)$  бўлиши инботга олинган ҳолда, таҳлил амалга оширилади. Тасодифий таъсирлар модели ҳам энг кичик квадратлар усулдан фойдаланган ҳолда топилиб, ўзгармас (constant) ва хатоликларни нормал тақсимотига таъсири тури даврлардаги ҳолатини аниқлайди. Мазкур, моделда даммий (dummy) ўзгарувчи бўлмаганилиги сабабли, ўзгармасни (constant) хатоликни нормал тақсимотига таъсирини аниқлайди. Бироқ, ушбу моделнинг хусусияти шундан иборатки, мавжуд хатоликлар башоратни амалга оширадиган ўзгарувчига таъсир қилмаслигини кўрсатади. Натижада, ушбу модел ёрдамида эркли ўзгарувчи билан эрксиз ўзгарувчининг ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигини аниқлайди.

Бугунги кунда дунё олимлари панел маълумотлари асосида эконометрик таҳлилни амалга оширишда кенг қўлланилаётган моделлар тасодифий таъсирлар ва ўзгармас таъсирлар моделлари, деб хисоблайдилар. Маҳаллий олимлардан Ш.И.Мустафақулов ўзининг изланишида панел маълумотлари усулида эконометрик таҳлилни амалга оширишда дунёда энг кўп тарқалган ўзгармас таъсирлар (OLS) ва тасодифий таъсирлар (GLS Generalized least squares, MLE – Maximum likelihood estimation) моделлари, деб таъкидлайди<sup>27</sup>.

Мамлакатимиз акциядорлик жамиятларини молиявий хавфсизлиниги баҳолаш учун эконометрик таҳлилни амалга оширишдан олдин қайси кўрсаткичлар мустақил ўзгарувчи ва боғлиқ ўзгарувчилар эканлигини танлаб олишимиз лозимлиги амалий аҳамият касб этади.

---

<sup>27</sup> Ш.И.Мустафақулов “Ўзбекистонда инвестицион мухит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш” Автореферат Т, 2017 бет. 26

Тадқиқотда панель маълумотлари асосида кўп омилли чизиқли функцияни шакллантириш мақсад қилиб олингани сабабли корреляцион ўзгарувчиларнинг матрицаси тузилди. Бироқ, кўп омилли функцияни шакллантиришда эрксиз ўзгарувчилар орасида корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу эса, ўз навбатида, мультиколлинеарлик муаммосини юзага келтиради. Шундан келиб чиқсан ҳолда матрицада акс этган юқори коэффициентли ўзгарувчилар кўп омилли регрессия моделидан чиқариб ташланди. Натижада учта регрессион модель кўрсаткичларини ҳисоблаш амалга оширилди.

### 2.3.1-жадвал

#### **Акциядорлик жамиятларини молиявий хавфсизлик индикаторлар асосида панель регрессион модел кўрсаткичлари натижалари**

$$(Y_{it} = \beta_0 + X_{it}^I \beta + \epsilon_{it})$$

**(2015-2019 йиллар маълумотлари асосида)<sup>28</sup>**

Эрксиз ўзгарувчи (ln_income)	(1)	(2)	(3)
	Йигма модел	Ўзгармас эффект модели	Тасодифий эффект модели
P/E коэффициент	0.100 ** (0.009)	0.063** (0.009)	0.5841*** (0.0000)
P/B коэффициент	0.566** (0.007)	0.051** (0.005)	0.3637*** (0.0000)
ROE коэффициент	0.315** (0.009)	0.123 ** (0.004)	0.6692*** (0.0000)

<sup>28</sup> “Кварц” ва “Каттакўрғон ёғ-мой” АЖларнинг ҳисботлари асосида Eviews-9.0 дастури ёрдамида муаллиф томонидан тайёрланган.

C(constant)	6.944 ** (0.000)	7.305** (0.000)	6.1570*** (0.0000)
Кузатувлар сони	10	10	10
R-квадрат	0.8178	0.8648	0.8556
Акциядорлик жамиятлар сони	2	2	2

Қавслар ичидаги күрсаткичлар стандарт хатолик Р-қийматдаги, \*\*\*P<0,01, \*\*P<0,05, \*\*\*P<0,1

2.3.1-жадвалдаги маълумотлардан учта моделдаги танлаган эркли ўзгарувчиларининг Р-қиймати 0,05 дан кичик эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу күрсаткич шуни англатадики, биз танлаган ўзгарувчилар, яъни Р/E, Р/B ва ROE коэффициентлар эркли ўзгарувчилар эрксиз ўзгарувчига ln\_income бевосита таъсир қиласи. Агар биз мазкур эркли ўзгарувчиларни гипотеза тестини амалга оширганимизда, учта моделда ҳам Р/E, Р/B ва ROE коэффициентлар ўзгарувчиларнинг коэффициенти 5 фоизда статистик муҳимлик даражасида таъсир эканлигини кўришимиз мумкин. Бу шуни англатадики, учта эркли ўзгарувчилар эрксиз ўзгарувчига таъсир қилиб, эркли ўзгарувчининг тўлиқ таъсир даражасини ифода эта олади. R-квадратларга назар ташлайдиган бўлсак, учала моделда ҳам бирга яқинлигини кўришимиз мумкин. Эконометрика назариясига асосан R-квадрат қанчалик бирга яқин бўлса, яратилган регрессион модел стандарт хатоликлар тўғри чизиқقا яқинлигини англатади.

Юқоридаги учта моделнинг эконометрик кўринишини қўйидаги формулада кузатиш мумкин.

## 1. Йиғма модель

$$\ln_{\text{income}} = 6.944 + 0.100 * P/E + 0.566 * P/B + 0.315 * ROE + e \quad (2.3.1)$$

## 2. Ўзгармас эфектлар модели

$$\ln\_income = 7.305 + 0.063 *P/E + 0.051*P/B + 0.123 ROE + e \quad (2.3.2)$$

## 3. Тасодифий эфектлар модели

$$\ln\_income = 6.157 + 0.584 *P/E + 0.363*P/B + 0.669 ROE + e \quad (2.3.3)$$

Хисобланган йиғма, ўзгармас ва тасодифий эфектлар модельларнинг кўрсаткичларига назар ташласак, фарқ жуда катта эмаслигини кузатиш мумкин. Мазкур модельлардан қайси бири яхшироқ эканлигини аниқлаш учун Ж.Хаусман<sup>29</sup> тестидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоблар амалга оширилди. Хаусман тестига кўра, агар регрессор (мустакил ўзгарувчи) ва эфектлар ўртасида корреляция мавжуд бўлмаса, ўзгармас ва тасодифий эфектлар мавжуд бўлиб, аммо ўзгармас эфектлар самарасиз ҳисобланади. Регрессор ва эфектлар ўртасида корреляцион боғликлар мавжуд бўлса, ўзгармас эфектлар мавжуд, лекин тасодифий таъсир мавжуд эмас, деб қаралади. Нолинчи гипотеза асосан қуйидаги эконометрик формула билан аниқланади:

$$W = [\beta_{RE} - \beta_{FE}] [V(\beta_{RE}) - V(\beta_{FE})]^{-1} [\beta_{RE} - \beta_{FE}]' \sim \chi 2k \quad (2.3.4)$$

Агар  $W$  аҳамиятли бўлса, яъни эҳтимоллиги 5 фоиздан кам бўлса, ўзгармас эфектлар модели яхшироқ модель ҳисобланади. Агар мазкур эҳтимоллик кўрсаткичи 5 фоиздан катта бўлса, тасодифий эфектлар модели яхшироқ деб қаралади. Ушбу тестнинг таҳлили қуйидаги жадвалда келтирилган (2.3.2-жадвал).

2.3.2-жадвал

### Хаусман тести натижалари<sup>30</sup>

<sup>29</sup> Hausman, J. A. (1978). «Specification Tests in Econometrics». *Econometrica*. Vol.46, No.6, pp.1251-1271.

<sup>30</sup> “Кварц” ва “Каттакўрғон ёғ-мой” АЖларнинг ҳисботлари асосида Eviews-9.0 дастури ёрдамида муаллиф томонидан тайёрланган.

Ўзгарувчилар	Ўзгармас таъсир (a)	Тасодифий таъсир (b)	Ўзгарувчиларнинг фарқи (a-b)	Эҳтимоллик даражаси
<b>P/E коэффициент</b>	5.634634	18.890747	5.086046	0.0000
<b>P/B коэффициент</b>	5.774357	17.846915	4.908149	0.0000
<b>ROE коэффициент</b>	1.234082	5.612523	0.811982	0.0000
	Чи-квадрат ( $\chi^2$ ) статистикаси	Чи-квадрат тақсимоти	Эҳтимоллик даражаси	
<b>Тасодифий эфектларнинг крос-секциони (Cross-section random)</b>	101.988938	3		0.0000

2.3.2-жадвалдаги Хаусман тести натижалари тасодифий эфектлар модели бошқа моделларга нисбатан яхшироқ эканлигини кўрсатмоқда. Тасодифий эфектлар модели яхшироқ эканлиги Р-қиймат эҳтимоллиги кўрсаткичига кўра нолинчи гипотеза ва муқобил гипотеза фаразидан фойдаланиб аниқланди. Унга кўра, нолинчи гипотеза сифатида тасодифий таъсир модели қабул қилиниб, унинг муқобил варианти, яъни ўзгармас таъсир модели рад этилди. Тадқиқотимиздаги Хаусман тестдаги ( $\chi^2$ )ни статистик муҳимлилик даражаси 5 фоиздан кичик бўлгани ва Р-қиймат 0.0000 га тенглиги ўзгармас эфектлар модели бошқа моделларга нисбатан яхшироқ эканлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, панель маълумотлар асосида учта модель орқали таҳлил қилинганда ўзгармас эфектлар модели энг мақбули ҳисобланади. Акциядорлик жамиятларининг фойдасига молиявий хавфсизликни таъмиловчи кўрсаткичлар ҳисобланган P/E, P/B ва ROE

коэффицентлар таъсири ўрганилганда, Р/Е, Р/В ва ROE коэффицентлар бевоси бевосита таъсир қилар экан. Ўзгармас эффектлар моделидаги бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда Р/Е, коэффицент бир punkга ўсиши акциядорлик жамиятларини фойдаси 6,3 фоизга, Р/В коэффициент бир punkга ўсиши соғ фойдани 5,1 фоизга ўсишини ва ROE коэффицент бир punkга ўсиши соғ фойдани 12,1 фоизга ўсишига олиб келади.

Тадқиқот ишимизда юқоридаги индикаторларни инобаттан олган ҳолда Акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлик ҳолатини баҳоловчи ҳисобланган индикаторларни 2025 йилга қадар прогноз қўрсаткичлари шакллантирилди (2.3.3-жадвал)

### 2.3.3-жадвал

#### **Акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлик ҳолатини баҳоловчи ҳисобланган индикаторларни 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари<sup>31</sup>**

Йиллар	Р/Е коэффициент	Р/В коэффициент	ROE коэффициент
2021	1,63	1,51	1,12
2022	2,53	2,46	2,26
2023	3,43	3,41	3,4
2024	4,33	4,36	4,52
2025	5,23	5,31	5,64

2.3.3-жадвал акциядорлик жамиятларининг фойдасининг ошиб бориши эвазига молиявий хавфсизликни таъминловчи қўрсаткичлар ҳисобланган Р/Е, Р/В ва ROE коэффицентлар тенденциялари ўсиб боради. Таҳлилда қўрадиган

---

<sup>31</sup> “Кварц” ва “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖларнинг ҳисботлари асосида Eviews-9.0 дастури ёрдамида муаллиф томонидан тайёрланган.

бўлсак, барча индикаторлар ўсиб бормоқда. Сабаб, акциядорлик жамиятини барқарорлигини таъминловчи кўрсаткич ҳисобланган фойда йилдан йилга ортиб бормоқда.

Тадқиқот ишимизда акциядорлик жамиятларининг иқтисодий қўшилган қиймат (EVA) усули орқали молиявий хавфсизлиги ҳолатини баҳолаш тизими таҳлил қилинган (2.3.4-жадвал).

#### 2.3.4-жадвал

#### **“Кварц” АЖ иқтисодий қўшилган қиймат (EVA) таҳлили<sup>32</sup>**

Кўрсаткичлар	2020	2021П	2022П	2023П	2024П	2025П
NOPLAT (солик тўлашдан кейинги соғ операцион фойда) млрд.сўм	22,28	63,55	78,55	97,34	122,38	143,95
Инвестиция қилинган капитал млрд.сўм	220	349	347	336	314	249
WACC (капитални ўртача тортилган қиймати)	17%	17%	18%	18%	18%	18%
иқтисодий қўшилган қиймат (EVA) млрд.сўм	-16,12	2,68	17,40	37,59	65,84	98,33

<sup>32</sup> “Кварц” ва “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖларнинг ҳисботлари асосида Eviews-9.0 дастури ёрдамида муаллиф томонидан тайёрланган.

2.3.4-жадвалдан кўриниб турибеки, акциядорлик жамиятларининг иқтисодий қўшилган қиймат (EVA) усули орқали жамиятини барқарорлигини кўришим мумкин. Таҳлил қилинаётган “Кварц” АЖдан кўринадики, инвестицияга қилинган капиталдан канча капитал қўшилаётганлигин кўрсатади. Мазкур кўрсаткич, корхона ўз стратегиясини амалга ошириш учун ташқи ва ички хатарларга қарши туриш қобилиятини имкоятини беради

### **Иккинчи боб бўйича илмий хулосалар**

Ўзбекистон акциядорлик жамиятларини молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг ҳозирги ҳолати амалга оширилган тадқиқотларимизга асосланган ҳолда, илмий тадқиқот ишимиznинг иккинчи боби бўйича қўйидаги илмий, назарий ва амалий хулосаларни шакллантиридик.

“Кварц” акциядорлик жамияти молиявий хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ва барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида қўйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, акциядорлик жамиятларининг молиявий хафсизлигини таъминлаш айланма капитал, ўз капитал, қарз мажбурияти ва жорий пассивнинг меъёрий даражасини аниқлашга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, акциядорлик жамиятларини молиявий хавфсизлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Иккинчидан, корхона акцияларининг бозор қиймати хавфсизлигини таъминлаш учун акциядорлик жамияти хусусий капитал қийматини ошириш лозим. Бунинг учун корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда харажатларни минималластириш натижасида соф фойдани оширишга эришиш мумкин. Бу эса, хусусий капитал қийматини ошиши олиб келади ва натижада корхона акцияларининг бозор қиймати билан боғлиқ бўлган молиявий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Учинчидан, корхонанинг айланма капитали, ўз капитали, қарз мажбурияти ва жорий пассив меъёрий даражасига олиб келиш лозим. Шунингдек, корхонанинг тўланадиган дивиденд микдорини соф фойдага нисбатан прогрессив шаклда тўланиши лозим. Бу эса, ўз навбатида, Р/Е коэффициентнинг меъёрий даражасига эришишга олиб келади ва натижада “Кварц” АЖнинг акцияларининг бозор қийматини билан боғлик рискни олдини олиш имконияти беради.

Акциядорлик жамиятларининг молиявий хафсизлигини баҳолашда фойдаланиладиган индикторларни оптimal даражасини аниқлашга хизмат қиласиган қарз ва хусусий капитал, айланма капитал, мажбуриятлари ва активларининг меъерини аниқлаш лозим. Бу эса, ўз навбатида, акциядорлик жамиятни молиявий хавфсизлини баҳолаш индикторлар тизмини оптimal даражасини аниқлаш имкониятини беради;

Акциядолик жамиятларини акцияларининг бозор қиймати хавфсизлигини таъминлаш учун акциядорлик жамияти хусусий капитал қийматини ошириш лозим. Бунинг учун акциядорлик жамиятларини мажбуриятлари минималлаштириш ва активларини максималлаштириш натижасида хусусий капитал қийматини ошишини таъминлаш амалга ошириш керак. Бу эса, хусусий капитал қийматини ошишига, шунингдек соф фойдани ва қўшилган капитални ошиши олиб келади. Натижада акциядорлик жамиятларини акцияларини билан боғлик рискларни олдини олишга ва акциянинг қиймати билан боғлиқ молиявий хавфсизликни таъминлашга имкон беради;

Акциядолик жамиятларини активлари, мажбуриятлари, қарз ва хусусий капиталнинг пропорцияни таъминлаш орқали молиявий хавфсизлик ҳолатини баҳолаш имкониятини беради. Шунингдек, молиявий хавфсизлик ҳолатини

индикторларини тизмлаштириш ҳамда ташқи ва ички рисклар билан боғлик хавфларнинг ўлчашга хизмат қилади. Шу билан бирга, акциядорлик жамиятларини ҳолатини баҳолашда индикаторлар усулубиётини аниқлаш имконини беради.

Панель маълумотлар асосида учта модель орқали таҳлил қилинганда ўзгармас эфектлар модели энг мақбули ҳисобланади. Акциядорлик жамиятларининг фойдасига молиявий хавфсизликни таъмиловчи кўрсаткичлар ҳисобланган Р/Е, Р/В ва ROE коэффицентлар таъсири ўрганилганда, Р/Е, Р/В ва ROE коэффицентлар бевоси бевосита таъсири қиласа экан. Ўзгармас эфектлар моделидаги бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда Р/Е, коэффицент бир пункга ўсиши акциядорлик жамиятларини фойдаси 6,3 фоизга, Р/В коэффициент бир пункга ўсиши соф фойданни 5,1 фоизга ўсишини ва ROE коэффицент бир пункга ўсиши соф фойданни 12,1 фоизга ўсишига олиб келади.

Таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, акциядорлик жамияти капитали қийматини аниқлашда тарақкий этган мамлакатлардаги баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофик бўлади. Хусусан, акциядорлик жамиятлари активлари қийматини, хусусий капитал қийматини инобатга олган ҳолда капитал қийматини баҳолаш, капитал қийматининг реал бозор қийматини аниқлаш имкониятини беради. Шунингдек, акциядорлик жамиятининг қўшилган қийматини, иқтисодий фойдасини аниқлашда солиқдан кейинги операцион фойдаси (NOPLAT) кўрсаткичини инобатга олиш лозим. Ушбу кўрсаткич иқтисодий қўшилган қийматни ҳисоблашда NOPLAT кўрсаткичидан фойдаланилади. Акциядорлик жамиятларини хусусий капиталлари қийматини баҳолашга хизмат қилади. Жумладан, акциядорлик жамияти капитали рентабеллигини аниқлашда тарақкий этган мамлакатларда кенг фойдаланиладиган инвестиция қилинган капитал

рентабеллиги (ROIC) коэффициентидан фойдаланиш лозим. Мазкур коэффициент акциядорлик жамиятининг капиталига қилинган инвестициясининг самарадорлиги аниқлашга хизмат килади. Шунингдек, ушбу жамиятларнинг капитали қийматини мультиликатор коэффициентлар орқали баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби, акциядорлик жамиятининг капитали реал, хусусан ҳақиқий бозор қийматини аниқлашга хизмат қилади. Шунингдек, акциядорлик жамиятининг капиталидаги акцияларнингadolатли қийматини аниқлашга имкон беради.

## **3-БОБ. Акциядорлик жамиятлари молиявий хавфсизлигини таъминлаш йўллари**

### **3.1. Акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлиги таъминлаш усуллари**

Молия хавфсизликнинг механизмини муҳим таркибий қисми уни таҳлил қилиш тизимлари ва усуллари ҳисобланади. Акциядорлик жамиятини хавфсизлик тизмини таҳлили - бу жамиятнинг молиявий манфаатларини рисклардан ҳимоя қилиш даражасини аниқлаш ҳисобланади. Шунингдек, акциядорлик жамиятларининг молиявий хавфсизлик таъмсинаш мақсадида жамиятнинг молиявий ҳолатини ва молиявий фаолиятининг асосий натижаларини ўрганиш ҳисобланди.

Акциядорлик жамиятининг молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос муаммоларини ҳал қилиш учун бир қатор усуллар ва таҳлиллар қўлланилади. Бу эса, ўз навбатида, индивидуал молиявий манфаатларнинг статик ва динамик рисклардан ҳимояланиш даражасини миқдорий баҳолаш имконини беради. Корпартив молиятнинг ўрганишда қўлланиладиган услуётига назар ташлаган ҳолда жамиятларини молиявий хавфсизлигини таъминлаш йўлида амалга оширишда бир нечта усуллар таҳлил қилинади. Булар қўйидагилардан иборат ҳисобланади: горизонтал молиявий таҳлил усули; вертикал усул; қиёсий таҳлил усули; коэффициентларни таҳлил қилиш; интеграл таҳлил усуллар ўз ичига олади.

**Горизонтал молиявий таҳлил.** Мазкур усулда молиявий ресурсларнинг алоҳида молиявий кўрсаткичлаар асосида таҳлил амалга оширилади. Шунингдек, мазкур усулда вақт бўйича динамикасини ўрганишни амалга оширади. Унга кўра, бир нечта йилларни инобатга олган ҳолда молиявий ҳисботларнинг хар бир кўрсаткичларининг ўзгаришлари таҳлил қилинади ва уларнинг умумий тенденциялари аниқланади. Акциядорлик жамиятининг

молиявий хавфсизлигини таъминлаш йўлларида горизонтал молиявий таҳлил усулининг қуидаги турлари жудаям кўп қўлланилади:

- Ҳисобот йилида ҳар бир кўрсаткичлари ўзгаришларини ўтган йил кўрсаткичлари билан таққослаган ҳолда таҳлил қилинади. Мазкур таҳлилда ўтган ой, чорак ва йиллик кўрсаткичларида амалга оширилади.
- Ҳисобот йилида ҳар бир кўрсаткичлари ўзгаришларини ўтган йилнинг мазкур даври кўрсаткичлари билан таққослаган ҳолда таҳлили қилинади. Ушбу кўрсаткичларда бир ҳил вақтларнинг кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда таҳлил қилган ҳолда амалга оширилади. Ушбу таҳлил ишлаб чиқаришда мавсумий ҳолатларда ишлайдиган корхоналарда ҳам таҳлил қилинади;
- Бир нечта олдинги йиллар учун кўрсаткичлар ўзгариши таҳлилни амалга ошириш ҳамда мазкур турдаги таҳлилнинг мақсади корхонанинг молиявий хавфсизлиги даражасини аниқловчи алоҳида кўрсаткичларнинг ўзгариши тенденциясини ҳисоблаш ҳисобланади.

Динамик молиявий таҳлилнинг барча усуллари одатда акциядорлик жамиятларида молиявий хавфсизлик даражасида баҳолашда молиявий рискларнинг ўзгаришини алоҳида омил сифатида таҳлил қилинади. Мазкур таҳлил натижасида рискни ўловчи моделлар шакллантиришга имкоиният беради. Шунингдек, корхоналарнинг молиявий ҳолатини баҳолашда таъсир қилувчи омилларни қилишга имкон беради.

**Таркибий усули.** Мазкур усулда корхона молиявий ҳисботининг ҳар бир кўрсаткичларини таркибий қисмларлари бўйича таҳлил амалга оширилади. Ушбу таҳлилни амалга оширишда тўпланган молиявий кўрсаткичларнинг ҳар бир таркибий қисмларининг таҳлил қилинади. Акциядорлик жамиятини молиявий хавфсизлигини таъминлашда таркий усулнинг қуидаги турлари жудаям кенг қўлланилган:

– Активларни таркибини таҳлил қилиш усули. Ушбу таҳлилни амалга оширишда айланма маблағларининг ва айланма активларига нисбати топилади, айланма маблағларнинг таркиби таҳлил қилинади, айланма активларнинг таркиби таҳлил қилинади, ликвидлик даражаси бўйича жамиятнинг активларининг таркиби таҳлил қилинади, инвестиция портфелининг таркиби таҳлили амалга оширилади. Шунингдек, мазкур таҳлилларни амалга ошириш натижасида жамиятнинг активлари таркибини аниқлашда қўлланилади.

– Капиталнинг таркибий таҳлил қилиш. Ушбу таҳлилни амалга оширишда жамиятнинг хусусий капитал ва қарз капиталнинг нисбатлари аниқланади, қарз капитални ҳар бир вақтдаги ўзгаришини таҳлил қилинади, шунингдек, қарз капиталида олинган кредитлар ҳам таҳлил қилинади. Мазкур таҳлил жамиятнинг молиявий самарадорлигини, капитални ўртacha қийматини аниқлаш ва қарз эвазига шакллантирилган капитални таркибини аниқлаш фойдаланилади.

– Пул оқимларининг таҳлили қилиш усули ҳисобланади. Ушбу таҳлилни амалга оширишда акциядорлик жамиятининг хама операцион фаолияти, инвестицион ва молиявий фаолиятидан шаклланадиган пул оқимларининг таркиби таҳлил қилинади. Ушбу таҳлил жамиятнинг пул оқимларини имкон қадар чуқурроқ таҳлили амалга оширишга имконият беради ва ҳар бир кўрсаткичлари бўйича аниқ ҳисоблашни кўрасатади.

**Қиёсий молиявий усули.** Ушбу усулда бир-бирига ўхшаш кўрсаткичларнинг алоҳида гуруҳларлаб, ҳар бир кўрсаткичларнинг қийматларини бир-бири билан солиштиришга асосланган таҳлил ҳисобланади. Мазкур таҳлилни амалга оширишда таққосланган кўрсаткичларнинг мутлақ ва нисбий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда

ҳисобланади. Акциядорлик жамиятининг молиявий хавфсизлигини таъминлашда қиёсий молиявий усулнинг қуидаги турлари мавжуд.

– Акциядорлик жамиятининг молиявий хавфсизлик кўрсаткичлари ва уларининг тармоғини ўртacha кўrсаткичларини солиштирма усулида амалга оширилади. Мазкур усулни амлага оширишда жамиятининг молиявий хавфсизлигининг асосий кўrсаткичларининг бизнеснинг молиявий натижалари бўйича рақобатбардош мавқеини баҳолаш ва уни янада ошириш учун қўшимча резерв капитални аниқлаш, шунингдек ўrтacha тармоқ кўrсаткичларидан меъёрини даражаси аниқланади. Шунингдек, акциядорлик жамиятини молиявий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимларининг самарадорлиги аниқлашга имкон беради.

– Акциядорлик жамиятининг молиявий хавфсизлиги кўrсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш ҳисобланади. Ушбу таҳлил жараёнида корхонанинг молиявий хавфсизлигини янада ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши мақсадида унинг заиф томонлари аниқланади.

– Акциядорлик жамиятининг алоҳида таркибий бўлинмалари ва тармоқларини молиявий хавфсизлиги кўrсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш лозим. Мазкур таҳлил солиштирма баҳолашни амалга оширишни имконият яратади. Шунингдек, ички молиявий қўлаб-қуватлашни ошириш учун заҳираларни шакллантириш мақсадида амалга оширилади.

– Молиявий хавфсизликни таъминлашда жамиятининг ҳисботидаги кўrсаткичларининг солиштирма таҳлили энг асосий таҳлил ҳисобланади. Мазку таҳлилни амалга оширишда ҳисбот кўrсаткичларининг йиллик режаси билан норматив режадаги фарқларни солиштириш асосида таҳлил қилинади. Шунинг, пайдо бўлган фарқларни сабаблари ва оқибатлари ўрганилади. Натижада, жамиятнинг молиявий хавфсизлигини таъминлашда шакллантирилган камчиликларни тўзатиши бўйича таклифлар берилади.

**Молиявий коэффициентлар (R-таҳлил) усули.** Ушбу усулда жамиятининг молиявий ҳолатини бир нечта мутлақ кўрсаткичларининг ўзаро нисбатларини аниқлаш асосида амалга оширилади. Мазкур таҳлилни амалга оширишда молиявий ҳолатни алоҳида кўрсаткичлар ва нисбий кўрсаткичларда хисобланади. Акциядорлик жамиятининг молиявий хавфсизлигини таъминлашда бир нечта маҳсус молиявий коэффициентлар қўлланилади: Акциядорлик жамиятининг молиявий барқарорлигини ҳолатини кўрсатадиган коэффициентлари; Акциядорлик жамиятининг тўлов ликвидлигини кўрсатадиган коэффициентлари; активлар айланмасини кўрсатадиган коэффициентлар; капитал айланмасини кўрсатадиган коэффициентлари; рентабелликни кўрсатадиган коэффициентларини ўз ичига олади.

Акциядорлик жамиятининг молиявий барқарорлигини ҳолатини кўрсатадиган коэффициентлар асосан капиталини шакллантириш билан боғлиқ бўладиган риск даражасини аниқлашда фойдаланилади.

1. Молиявий таҳлил амалга оширишда мазкур коэффициентлар хисоблашни амалга ошириш учун қўйидаги асосий кўрсаткичлар қўлланилади:

а) Мустақиллик коэффициенти (МК). Ушбу коэффициенти акциядорлик жамиятда фойдаланиладиган активлар жамини капиталининг канчасидан шакллантирилганлиги ва ташқи молиявий манбаларидан қанчаси шакллантирилганлиги кўрсатади. Ушбу коэффициентни хисоб-китоби қўйидагича амалга оширилади:

$$MK = \frac{УК}{АК}; \quad MK = \frac{СA}{AA}, \quad 3.1.1$$

Бу ерда:

УК - акциядорлик жамиятнинг устав капиталининг миқдори;

СА - акциядорлик жамиятини соғ активларининг қиймати;

АК - акциядорлик жамиятини капиталининг умумий миқдори;

АА - акциядорлик жамиятининг жами активларининг умумий қиймати;

б) Молиялаштириш коэффициенти (МК). Мазкур коэффициенти капиталининг таркибидаги қарзни қанчалигини кўрсатади, айниқса, қарз маблағларига боғлиқлик меъёрини кўрсатади. Ушбу коэффициентни ҳисоб-китоби қўйидагича амалга оширилади:

$$MK = \frac{AK}{K}, \quad 3.1.2$$

Бу ерда:

АК - жалб қилинган қарз маблағларнинг миқдори;

К - Ўз капиталининг миқдори;

с) в) Қарз коэффициенти (КЗ). Ушбу коэффициенти акциядорлик жамиятнинг қарз капиталини умумий капиталга нисбати орқали аниқланади. Ушбу коэффициентни ҳисоб-китоби қўйидагича амалга оширилади:

$$KK = \frac{K}{UK}, \quad 3.1.3$$

Бу ерда;

KK - Қарз капиталининг миқдори;

УК – умумий капиталининг умумий миқдори;

г) Жорий қарз коэффициенти (ЖКК). Мазкур коеффициент қисқа муддатли қарз капиталининг умумий миқдорига нисбати орқали аниқланади. Ушбу коэффициентни ҳисоб-китоби қўйидагича амалга оширилади:

$$JCK = \frac{KK_UK}{UK}, \quad 3.1.4$$

д) Узоқ муддатли молиявий мустақиллик коэффициенти (УМК). Ушбу коэффициент умумий активларнинг қанчасини ўз маблағари ва қанчасини ўзоқ муддатли қарз эвазига шаклланганлигини кўрсатади, хусусан, ўзоқ

муддатли кредитнинг қанчалик мустақилигини кўрсатади Ушбу коэффициентни ҳисоб-китоби қўйидагича амалга оширилади:

$$УМК = \frac{\ddot{Y}M + УМК_k}{ЖA}, \quad 3.1.4$$

Бу ерда;

$\ddot{Y}M$  - ўз маблағлари миқдори;

$УМК_k$  – узок муддатли жалб қилинган қарз маблағлари;

$ЖA$  – жами активларининг умумий қиймати;

е) Ўз капиталининг мослашувчанлик коэффициенти ( $\ddot{Y}KM$ ). Ушбу коэффициент ўз маблағларининг жами айланма активларга қўйилган қисмини кўрсатади, хусусан, ўз маблағларини қанчаси қисми айланма ва ликвидлилиги намоён қиласи. Ушбу коэффициентни ҳисоб-китоби қўйидагича амалга оширилади:

$$\ddot{Y}KM_{ck} = \frac{\ddot{Y}ZA}{KM}, \quad 3.1.4$$

Бу ерда;

$\ddot{Y}ZA$  - ўз маблағлари айланмаси миқдори;

$KM$  - корхонанинг жами капитал миқдори;

2. Тўлов қобилиятини кўрсатадиган коэффициентлари акциядорлик жамиятнинг йланма маблағлар ҳисобига жорий молиявий мажбуриятларин қай даражада тўлаш қобилияти борлигини кўрсатади. Ушбу коэффициентни таҳлил қилиш акциядорлик жамиятнинг жорий активларини гурухлашни ва ливидик даражасини аниқлаш имкониятини беради. Молиявий таҳлил жараёнида тўлов қобилиятини кўрсатадиган коэффициент учун қўйидаги асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади:

а) Мутлақ тўлов қобилияти (МТҚ) коэффициенти. Ушбу коэффициент акциядорлик жамиятнинг жами жорий молиявий мажбуриятлари қай даражада

тўла олишини кўрсатади. Ушбу коэффициентни ҳисоб-китоби қуидагича амалга оширилади:

$$МТҚ = \frac{ЖА+КММА}{ЖЖММ_к} \quad 3.1.5$$

Бу ерда;

ЖА — жами активларининг йиғиндиси;

КММА - қисқа муддатли молиявий активлар миқдори;

ЖЖММ<sub>к</sub> – жами жорий молиявий мажбуриятларининг миқдори;

б) оралиқ тўлов қобилияти (ОТҚҚ) коэффициенти. Ушбу коэффициент жами жорий молиявий мажбуриятларни юқори ликвидлик эга активларга ҳисобидан қанчаси қопланишини кўрсатади. Ушбу коэффициентни ҳисоб-китоби қуидагича амалга оширилади:

$$ОТҚҚ = \frac{ПҚ+КММ+ЖДҚ}{ЖММ_к}, \quad 3.1.6$$

Бу ерда;

ПҚ – пул қийматлилигидаги активлар миқдори;

КММ - қисқа муддатли молиявий инвестициялар миқдори;

ЖДҚ – жами дебиторлик қарзларининг миқдори;

ЖММ<sub>к</sub> - жами жорий молиявий мажбуриятлари миқдори;

в) жорий тўлов қобилияти кожфициенти (ЖТҚ). Ушбу коэффициент жами жорий молиявий мажбуриятларни қанчасини қарзлар ва айланма активлар эвазига шакланганлигини кўрсатади. Ушбу коэффициентни ҳисоб-китоби қуидагича амалга оширилади:

$$ЖТҚ = \frac{ЖАМ}{ЖЖМ}, \quad 3.1.7$$

Бу ерда;

ЖАМ – жами айланма маблағларининг йиғиндиси;

ЖЖМ- жами жорий молиявий мажбуриятларининг йиғиндиси;

3. Активлар айланмасини кўрсатадиган коэффициентлари акциядорлик жамиятнинг жами активлар айланмасининг қанчалик тезлигини кўрсатади. Мазкур кўрсаткич корхонанинг бизнес фаолиятининг кўрсатадиган кўрсаткич ҳисобланади. Акциядорлик жамиятнинг активлари айланмасини кўрсатадиган коэффициентлари қўйидагилардан иборат:

а) Кўриб чиқилаётган йил учун жами активларнинг айланиш коэффициенти ( $\text{ЖА}_a$ ). Ушбу коэффициентни ҳисоб-китоби қўйидагича амалга оширилади:

$$\text{ЖА}_a = \frac{\text{СС}}{\text{ЖАУ}}, \quad 3.1.7$$

Бу ерда;

СС – Танланган йил учун маҳсулот сотишдан тушган тушумни миқдори;  
ЖАУ - Танланган йил учун корхона томонидан фойдаланилган жами активларнинг ўртача қиймати;

б) Танланган йил учун корхонанинг айланма маблағларининг айланиш коэффициенти ( $\text{AMK}_{\text{ам}}$ ). Ушбу коэффициентни ҳисоб-китоби қўйидагича амалга оширилади:

$$\text{AMK}_{\text{ам}} = \frac{\text{СС}}{\text{AMУ}}, \quad 3.1.7$$

СС – Танланган йил учун маҳсулот сотишдан тушган тушумни миқдори;  
AMУ – Танланган йил учун айланма маблағларнинг ўртача қиймати;

4. Капитал айланмаси коэффициенти акциядорлик жамият томонидан фойдаланилдиган капиталнинг жамиятнинг хўжалик фаолиятини амалга оширишда қанча ҳисса қўшаётганлигини кўрсатади:

а) Танланган йилдаги жами ишлатилган капиталнинг айланма коэффициенти ( $\text{ЖИК}_k$ ) Ушбу коэффициентни ҳисоб-китоби қўйидагича амалга оширилади:

$$\text{ЖИК}_k = \frac{\text{СС}}{\text{КУ}}, \quad 3.1.7$$

Бу ерда;

СС – Танланган йил учун маҳсулот сотишдан тушган тушумни миқдори;

КҮ – Танланган йил учун жами ишлатилган капиталининг ўртача суммаси;

б) Танланган йил учун ўзига тегишли капитали айланмаси коеффициенти ( $KA_k$ ). Ушбу коэффициентни ҳисоб-китоби қуидагича амалга оширилади:

$$KA_k = \frac{CC}{\bar{y}_k}, \quad 3.1.8$$

СС – Танланган йил учун маҳсулот сотишдан тушган тушумни миқдори;

$\bar{y}_k$  – Танланган йил учун акциядорлик жамиятнинг ўзига тегишли капиталининг ўртача миқдори;

**Интеграл молиявий усули.** Алоҳида тўпланган молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилишни ва кўп омилни баҳолашни амалга ошириш имкониятини беради. Молиявий менежмент назариясига асосан қуидаги интеграл молиявий усуулар мавжуд ҳисобланади:


1. Акциядорлик жамияти активларини самарадорлигини ва уларни айланиш тезлигини таҳлил қилиш ҳисобланади. Ушбу молиявий таҳлил усулида, Дюпон томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, "активлар рентабеллиги коэффициенти" кўрсаткичини ягона тизимда ўзаро боғлаган ҳолда кўрсатган. Ушбу тизимни шакллантиришнинг бир қатор коэффициентларга фойдаланишни назарда тутади. Ушбу таҳлил қуидаги расмда ўз аксини топган (3.1.1-расм).

2. 3.1.1-расмдаги кўрсатилган белгилар қуидагилардан иборат:

3. СФ - соф фойда миқдори;

4. МС - маҳсулотларни сотиш тушган миқдори;

5. ЖА - жами активларнинг ўртача миқдори;



### 3.1.1-расм. Дюпон усули бўйича молиявий таҳлил чизмаси<sup>33</sup>

ЯФ - ялпи фойда миқдори;

Х - харажатлар миқдори;

ДТ - даромаддан тўланган соликлар суммаси;

ФС - фойдадан тўланган солик суммаси;

ОА - айланма маблағларнинг ўртача миқдори;

ВА - узок муддатли активларнинг ўртача миқдори.

Интеграл молиявий таҳлил тизими Дюпон томонидан асос солинган ҳисобланади. Унга кўра корхона активларининг рентабеллик коэффициенти маҳсулот сотиш рентабеллигининг активларнинг айланиш коэффициентига (айланиш сонига) кўпайтмасидир:

$$P_a = P_{pp} \times KO_a$$

3.1.9

<sup>33</sup> Муаллиф ишланмаси.

Бу ерда;

$P_a$ -фойдаланиладиган активларнинг рентабеллик коэффициенти;

$R_{rp}$ -маҳсулотни сотишдан тушган тушум рентабеллик коэффициенти;

$AA_a$ - айланма активлар коэффициенти (айланмалар сони).

Акциядорлик жамиятнинг ўз капиталидан фойдаланиш самарадорлигини яхлит таҳлил қилиш учун қуйидаги кўп факторли факторли Дюпон моделидан фойдаланиш мумкин:

$$P_{ck} = \frac{CP_o}{CK} = \frac{CP_o}{P} \times \frac{P}{A} \times \frac{A}{CK} \quad 3.1.10$$

$P_{ck}$  – ўзига тегишли капиталининг рентабеллиги;

$CP_o$  – Танланган йилда иқтисодий фаолиятдан олинган соғ фойда миқдори;

$\bar{CK}$  – Танланган йилда компаниянинг ўзига тегишли капиталининг ўртача миқдори;

$\bar{A}$  – корхонанинг кўриб чиқилаётган даврда фойдаланилаётган барча активларининг ўртача суммаси (ўртача хронологик сифатида ҳисобланади);


$P$  - кўриб чиқилаётган даврда маҳсулот сотишининг умумий ҳажми.

2. Тизим SWOT - молиявий фаолиятни таҳлил қилиш [SWOT - таҳлил].

Ушбу таҳлил бир қатор бошқа стратегик аналитик тизимлар билан биргалиқда стратегик таҳлил жараёнида қўлланилади.

Акциядорлик жамиятларини молиявий хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Горизонтал таҳлил; вертикал; қиёсий таҳлил; коэффициентларни таҳлил қилиш; интеграл таҳлил усуллар ўз ичига олади. Мазкур усулларни ҳисобга олаган ҳолда акциядорлик жамиятини молиявий хавфсизлиги таъминлашда таҳлил қилиш тизими қуйидагича бўлиши лозим. (3.1.2-расм)

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАХЛИЛ ТИЗИМЛАРИ.



**3.1.2-расм. Акциядорлик жамиятини молиявий хавфсизлигини таъминлашдаги тахлил тизимлари<sup>34</sup>**

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, акциядорлик жамиятларини молиявий хавфсизлигини таъминлашда, горизантал ва вертикал тахлил қилиш натижасида жамиятнинг активлари таркибини, капитал таркибини оптималь меъёрини аниқлаш имкониятини беради. Шунингдек, молиявий ҳисоботларни ўтган йилдаги ўзгаришлар тенденциясини тахлил қилган ҳолда акциядорлик

<sup>34</sup> Муаллиф томонидан ишланаган.

жамиятини келажақдаги пул оқимларин башорат қилиш замин яратади.

### **3.2. Акциядорлик жамиятининг молиявий хавфсизлигини таъминлашда назорат тизимини шаклантириш.**


Акциядорлик жамиятининг молиявий хавфсизлигини бошқаришнинг асосий функциялари тизимида ушбу соҳада қабул қилинган бошқарув қарорларининг бажарилишини ички назорат қилиш муҳим ўрин тутади. Молиявий хавфсизликнинг ички назорати - бу акциядорлик жамият томонидан кутилаётган рислардан ҳимоя қилиш ва бошқарув қарорларни мониторинг қилиш ҳамда ижросини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган жараён ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятнинг молиявий хавфсизлигини ички назорат қилишнинг устувор йўналишлари сифатида қўйидагиларни ажратиб қўрсатиш керак:

- акциядорлик жамият бўйича бошқарув ҳисоби ва молиявий ҳисбот қўрсаткичлари натижаларининг тўғрилиги ва ишончлилигини назорат қилиш;
- белгиланган миқдордаги соф пул оқимининг шаклланишини назорат қилиш;
- тақдим этилган манбалар доирасида молиявий ресурсларнинг ўз вақтида ва тўлиқ шакллантирилишини назорат қилиш;
- акциядорлик жамиятнинг доимий тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини таъминлаш устидан назорат;
- ўз капиталининг ўсишини таъминлаш, ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва корхонанинг бозор қийматини оширишни назорат қилиш.

Акциядорлик жамиятида молиявий таъминотнинг ички назорати қўйидаги асосий шаклларда ташкил этилади (3.2.1-расм).

## **МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ИЧКИ НАЗОРАТ ШАКЛЛАРИ**



### **3.2.1-расм. Молиявий хавфсизликини ички назорат шакллари<sup>35</sup>**

Молиявий хавфсизликини дастлабки назорат қилиш корхонанинг ҳар бир таркибий бўлинмаларининг (масъулият марказларининг) бизнес-режаларини (аризаларини) кўриб чиқиш жараёнида молиявий режалаштириш ва бюджетларни шакллантириш босқичида ташкил этилади. Ушбу турдаги назоратни амалга ошириш жараёнида молиявий хавфсизлик самарадорлигини ошириш учун мумкин бўлган захираларни аниқлаш ва амалдаги қонунчилик ва корхонанинг ички қоидалари бузилишининг олдини олиш учун алоҳида кўрсаткичларнинг ҳисоб-китобларини тўғрилиги текширилади.

Молиявий хавфсизлик мониторинги барча режалаштирилган кўрсаткичларни тўлиқ бажариш бўйича тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш учун барча даражадаги молиявий режалаштириш ва бюджетлаштиришни амалга ошириш жараёнида амалга оширилади.

Молиявий хавфсизликини назорат қилиш ўрнатилган молиявий ҳисботларни ва алоҳида таркибий бўлинмалар (масъулият марказлари) раҳбарларининг назарда тутилган ҳисботларини кўриб чиқиш жараёнида, ҳисбот даври учун молиявий хавфсизликини таъминлашнинг якуний натижаларини сарҳисоб қилишда амалга оширилади.

<sup>35</sup> Муаллиф ишланмаси.

